2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН


Ижтимоий-сиёсий газета

№ 191 (1790), 2026 йил 16 сентябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида 15 сентябрь куни Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик, Бош вазир Хан Сон Сук, Кореянинг йирик компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари ҳамда ушбу мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошлар билан учрашди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Корея бизнес форумининг очилишида нутқ сўзлади.





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чо Чжон Шик билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини илгари суришда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” фаол иш олиб бормоқда, парламент делегацияларининг мунтазам ташрифлари амалга оширилмоқда, қонун чиқарувчи органларнинг тегишли қўмиталари ўртасида самарали тажриба алмашинуви йўлга қўйилган.

Миллий Ассамблея ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмагида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккала палатасида “Электрон парламент” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича келишувларнинг амалга оширилиши устидан парламент мониторингини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик механизмини яратиш зарурлиги таъкидланди.

Учрашув якунида 2027 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги муносабати билан “парламент дипломатияси” йўналишида бир қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Корея Республикаси Бош вазири Хан Сон Сукни қабул қилди.

Алоҳида стратегик шериклик муносабатларини савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, технологиялар, транспорт-логистика соҳаларида янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Инновацион-технологик ҳамкорликни чуқурлаштиришга устувор аҳамият қаратилди.

Савдо, молия ва инвестиция, рақамли иқтисодиёт ҳамда киберхавфсизлик соҳаларида, Кореянинг илғор технологиялари ва Ўзбекистоннинг хомашё базасидан фойдаланган ҳолда муҳим минералларни қайта ишлаш борасида, шунингдек, транспорт ва темир йўл инфратузилмаси ҳамда ҳудудлараро алоқалар йўналишларида шериклик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазири Хан Сон Сук қўшма бизнес-форумнинг очилишида иштирок этдилар.

Тадбирда икки мамлакат давлат тузилмалари ва ишбилармон доираларининг 300 нафардан зиёд вакили, жумладан, етакчи молия институтлари, йирик саноат корхоналари ва савдо компаниялари раҳбарлари иштирок этди.

Хусусан, Корея томонидан “Lotte Chemical”, “Hyundai Motor Group”, “Samsung C&T”, “CJ Group”, “Shinhan Financial Group”, “Hyundai Rotem”, “KIND”, “BOMI”, “Kia Corporation”, “Sampyo Group”, “Hansae Mobility” каби йирик компаниялар қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Корея Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган дўсти ва алоҳида стратегик шериги эканини, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик эса Ўзбекистон — Корея кўп қиррали алоқаларининг устувор йўналишларидан бирини ташкил этишини таъкидлади.

Етакчи корейс компанияларининг Ўзбекистонда самарали фаолият юритиб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаётгани алоҳида қайд этилди.

Бугун Ўзбекистон индустриал ва технологик тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Шу боис, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан Ўзбекистоннинг ресурс салоҳияти, Кореянинг илғор технологиялари ва икки мамлакат компанияларининг инвестициявий имкониятларини бирлаштириш орқали янги иқтисодий ўсиш нуқталарини яратиш таклиф этилди.

Президентимиз келгусида иқтисодий шерикликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Хусусан, саноат кооперациясини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирларини шакллантириш, энергетика ва “яшил иқтисодиёт”, транспорт ва замонавий инфратузилма, рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект, яримўтказгичлар ва микроэлектроника, биотехнология ва фармацевтика, қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологияларни жорий этиш, кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш ва бошқа йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Корея компаниялари мисни қайта ишлаш, электротехника ускуналарини ишлаб чиқариш, автомобиль ва электромобиль саноати учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, робототехника ва автоматлаштириш, биотехнология ва фармацевтика, гидроэнергетика, энергияни сақлаш тизимлари, энергетика тармоқларини модернизация қилиш ҳамда транспорт ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга таклиф этилди.

Саноат-технологик ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг амалий механизми сифатида Ўзбекистон — Корея саноат-технологик альянсини тузиш таклифи илгари сурилди.

Президентимиз мамлакатимизда корейс бизнесининг фаолияти учун келгусида янада қулай шарт-шароитларни яратиш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга оширишда амалий кўмак кўрсатишга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистон — Корея бизнес форуми якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Бош вазири Хан Сон Сук иштирокида салмоқли инвестициявий ва савдо-иқтисодий битимлар тўплами имзоланди.

Мазкур форум доирасида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида Корея Республикасининг етакчи компания ва молия институтлари билан қўшма лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишини бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида Кимё технологиялари маркази фаолият бошлади, Жиззах вилоятида “Kia Sonet Prime” автомобили ва автомобиль кузови панеллари, Фарғона вилоятида электротехника маҳсулотлари, Наманган вилоятида полимер буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, пайтахтимизда Миллий онкология маркази, тиббиёт олий таълим муассасаси, роботлар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиши бошланди.

Давоми 2-бетда

46-БУТУНЖАҲОН ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Ҳурматли Олимпиада иштирокчилари!

Азиз меҳмонлар!

Дунё шахмат спортининг ёркин намояндалари бўлган сиз, азизларни қадимий ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида илк бор ўтказилаётган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ер юзидаги 200 дан зиёд мамлакатдан ташриф буюрган таниқли гроссмейстерлар, мураббийлар ва шахмат ихлосмандлари иштирок этаётган ушбу нуфузли спорт анжумани уч минг йилдан ортиқ тарих ва маданият намуналарини ўзида мужассам этиб келаётган кўҳна Шарқ дурдонаси — азим Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани байрам шукуҳини янада оширмоқда. Ва ўйлайманки, сизлар ҳам буни сезиб, ҳис қилиб турибсиз.

Бугун бамисоли дунё шахмат спорти пойтахтига айланган бу улуғ шаҳарга, жонажон Ўзбекистонимизга хуш келибсиз!

Қадрли дўстлар!

Энг қадимий интеллектуал спорт ўйинларидан бири бўлган шахмат бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзининг шонли ўтмиши, мактаб ва анъаналарига эга.

Айниқса, мана шу Самарқанд шаҳрини ўзи асос солган буюк давлатнинг пойтахти ва Иккинчи Ренессанс марказларидан бирига айлантирган Соҳибқирон Амир Темур нафақат стратегик фикрлайдиган енгилмас саркарда, балки моҳир шахмат устаси ҳам эди.

Буюк аллома боболаримиз — Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг илмий ва бадиий асарларида шахматнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни алоҳида таъкидланган.

Биз ана шундай тарихий анъаналарга содиқ қолган ҳолда, Янги Ўзбекистонда бошқа спорт турлари қатори шахматни ҳам “оммавийликдан — профессионалликка” тамойили асосида энг қуйи бўғин — маҳалладан тортиб, таълим муассасаларигача ривожлантиришга аҳамият бермоқдамиз. Юртимизда бу борада ҳам янги авлод иқтидор эгаларини тарбиялашга қаратилган яхлит тизим шаклланмоқда.

Бугунги кунда шахмат билан оммавий шуғулланувчилар 2 миллион нафардан, рейтингга эга бўлган профессионал шахматчиларимиз сони эса 6 минг нафардан зиёдни ташкил этмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимизда халқаро гроссмейстер унвонига эга бўлган 32 нафар шахматчимиз борлигини фахр билан қайд этамиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, 5 нафар етакчи шахматчимиз жаҳон рейтингидаги “энг кучли юзталик”дан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон эркаклар жамоаси ФИДЕ рейтингида 204 та давлат орасида 8-ўринга, аёллар жамоаси эса 20-ўринга кўтарилгани ҳам диққатга сазовордир.

Мамлакатимиз терма жамоасининг 2022 йилда 44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ғолиби бўлгани, 2024 йилги Олимпиадада совриндорлар сафидан жой олгани, истеъдодли гроссмейстерларимиз нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётгани, ҳеч шубҳасиз, миллий шахмат спортимиз тарихида янги саҳифалар очмоқда.

Айниқса, навқирон гроссмейстеримиз Жавоҳир Синдоровнинг жаҳон чемпионлиги учун даъвогарлар турнирида ғолиб бўлиб, жаҳон кубогини қўлга киритгани, Нодирбек Абдусатторовнинг блиц бўйича жаҳон чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлгани, ёш шахматчиларимиз халқаро чемпионатларда юксак ўринларни эгаллаётгани бизга чексиз ғурур бағишлайди.

Муҳтарам меҳмонлар!

Ўзбекистонга 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилиш ҳуқуқи берилганини биз халқаро спорт ҳамжамиятининг юртимизга бўлган юксак ишончи сифатида қабул қиламиз.

Самарқанд олимпиадаси қизғин беллашувлар, юксак спорт маданияти, ҳалоллик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтади ва дунёга янги чемпионлар ва ёркин истеъдодларни тақдим этади деб ишонаман.

Айни вақтда бу ерда 3-парашахмат олимпиадаси ва 97-ФИДЕ конгрессини юқори савияда ўтказиш бўйича ҳам барча шароитлар яратилди.

Бу борадаги катта ташкилий ва амалий кўмаги, яқин ҳамкорлиги учун Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) раҳбарияти ва жамоасига, шунингдек, барча ҳамкор ташкилотларга самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комил, мазкур йирик спорт анжуманлари дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Улар Ўзбекистонда шахматни янада оммалаштириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қадрли дўстлар!

Бундай йирик мусобақалар бизнинг халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун катта байрам, улкан маҳорат мактабига айланиши, мамлакатимизнинг дўстлик ва ҳамкорлик диёри сифатидаги халқаро обрў-эътиборини янада оширишига аминман.

Бугунги олимпиада дунё ёшларига муҳим бир ҳақиқатни намоён этмоқда: инсониятнинг умумий келажаги куч эмас — ақл ва билим, адоват эмас — дўстлик ва ҳамжиҳатлик, бефарқлик эмас — эзгу мақсадлар йўлидаги қатъият асосида бунёд этилади.

Спорт қандай буюк куч, қандай юксак намуна эканини бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган сиз, ҳурматли спортчилар, фахрийлар, устоз ва мураббийлар яхши биласиз.

Ана шундай ғоят масъулиятли ва шарафли ишда фаол иштирок этиб келаётган сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, барча жамоаларга ютуқ ва омадлар, конгресс ишига эса муваффақиятлар тилайман.

Барчангизга зафар ёр бўлсин, Ўзбекистонга хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЮРТНИНГ КУЧИ БИРЛИКДА, ҚАДРИ ЭСА ТИНЧЛИКДАДИР

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ УЧУН ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Ҳурматли юртдошлар!

Жаннатмонанд юртимиз — Ўзбекистоннинг бугунги ва келгусидаги тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги ислоҳотлар замирида, энг аввало, инсон қадру қимматини юксалтириш, ҳар бир ватандошимизнинг бахтли-саодатли, фаровон ва мазмунли яшашига эришишдек эзгу ғоя мужассам.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президент бўлиб сайланган илк кунларданоқ халқимизнинг эркин, фаровон, бахтли-саодатли яшаши учун зарур шароит ҳамда имкониятларни яратишни ўз олдига олий мақсад қилиб қўйди.

Жонажон Ватанимизнинг тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистонимиз тарихида мутлақо янги, халқчил ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилди. Бугунги кунда барчамиз уларнинг натижасини ўз ҳаётимиз, фарзандларимизнинг орзу-ниятлари рўёбида кўриб турибмиз.

Яқин-яқингача Ўзбекистонда аҳолининг камбағаллик даражаси ҳақида деярли гапирилмасди. Йиллар давомида аҳоли ўртасида камбағаллик туфайли юзага келган муаммоларга кўз юмиб келинди. 2020 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакат аҳолисининг камбағал қатлами мавжудлигини, бу борада жуда муҳим ислоҳотлар амалга оширилиши зарурлигини кун тартибига олиб чиқди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу масалага жиддий, шаффоф муносабат билдириб, уни асосий кун тартибига олиб чиқишининг ўзида катта бир маънавий жасоратни кўриб турибмиз.

Давоми 2-бетда

Юқори тезликда ҳаракатланувчи “Hyundai Rotem” поездлари Тошкент — Хива йўналишида қатнай бошлади ва йўл вақтини икки баробар қисқартирди. Компания томонидан қўшимча поездларни етказиб бериш масалалари муҳокама қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 16 сентябрь, 191-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЮРТНИНГ КУЧИ БИРЛИКДА, ҚАДРИ ЭСА ТИНЧЛИКДАДИР

ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ “НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ УЧУН ЮРТДОШЛАРИМИЗГА МУРОЖААТИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз турмушини яхшилаш йўлида қилинган тизимли ишлар ва ислоҳотлар натижасида жорий йил бошида 5,8 фоизни ташкил этган камбағаллик даражаси бугунги кунга келиб, 3,9 фоизга тушди. Эҳтиёжманд аҳоли сони 2,2 миллиондан 1,5 миллионга камайди.

Бугунга келиб Президентимиз ташаббуси билан камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатга айланмоқда. Бу оддий ҳаракат эмас! Бу мамлакатимизнинг янги тараққиёти сари қўйилаётган улкан қадамдир! Бу халқимиз фаровонлиги йўлида бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимизга ундовчи чорловдир!

Азиз юртдошлар, пиру бадавлат нуронийлар, ҳожи ота, ҳожи оналар, “маҳалла еттилиги”, “бувижонлар мактаби” фаоллари, ота-оналар, ёшлар, барча-барчамиз ана шу умуммиллий ҳаракатда фаол иштирок этайлик!

Муҳтарам нуронийлар! Сизлар юртимизнинг, маҳаллаларнинг маънавий устунларисиз! Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги машаққатли ҳаёт, урушдан кейинги йилларидаги очарчилик, қимматчилик даврларини кўргансиз! Энг оғир даврларда ҳам халқимиз бир тану бир жон бўлиб, аҳиллик, ҳамжиҳатликда, бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб, синовлардан ўтган кунларни яхши эслайсиз!

Ваҳоланки, ўша даврларда халқимиз камбағалликнинг энг оғир даврини бошидан кечирган эди. Оёққа туриш, фарзандларни бахтли-саодатли кўриш учун ота-оналар, бобо-бувилар қанчалик машаққатли меҳнат қилганига гувоҳ бўлгансиз!

Бугунги саодатли кунларимизда ёшларга, энг аввало, тинчлик-осойишталик ва тўкинсочинлик қадрини тушунтирайлик! Камбағаллик айб эмас, камбағалликдан чиқишга уринмаслик, меҳнат қилмаслик айб эканини қўни-қўшниларимиз, маҳалла-кўйдаги яқинларимизга уқтирайлик.

Шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизими яхши йўлга қўйилган. Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Давлатимиз қийналиб яшаётган, турмуш шароити оғир кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар ва уларнинг фарзандлари турмуш шароитларини яхшилаш учун барча имкониятларни яратмоқда. Афсуски, тўрт мучаси соғлом бўла туриб, арзимаган дардини рўкач қилиб, ишламай, атрофдагилардан ёрдам кутиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолаётган ҳамюртларимиз ҳам орамизда бор экани ачинарли ҳолдир!

Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилади” деган нақл бор. Афсуски, боқимандалик кайфиятига тушган хонадонлар фарзандлари ҳам шу иллатга ўрганиб қолмоқда! Уларга фарзандлари бахту саодати учун ҳаракат қилишлари кераклигини биз Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир йилларида ҳам жуда катта меҳнат эвазига жанггоҳлардаги миллионлаб аскарларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаган халқнинг фарзандлари эканимизни тушунтирайлик!

Ушбу амалий саъй-ҳаракатлар жараёнида боқимандаликни “касб” қилиб олган хонадон эгалари билан бевосита ишлаб, уларнинг дунёқарашини тамомила ўзгартириш, онги ва қалбида меҳнатга, ишлашга иштиёқни ошириш, аниқ бир эзгу мақсад йўлида ҳаракатга келтириш, таъбир жоиз бўлса, “уйғотиш” зарур. Бунинг учун сиз ўзингиздаги бор билим-малака ва тажрибадан шу қадар усталик билан фойдаланишингиз лозимки, улар “давлат ва ҳукумат менга нима берди?” деб эмас, балки “Мен ўз кучим, билим, иқтидорим ва меҳнатим билан аввало оиламга, ундан кейин маҳалламга, Ватанимга нима бера олишим мумкин?!” деган саволни кўндаланг қўйиши керак. Ишонч билан айтиш мумкинки, бугун ўзига шундай савол берган киши асло боқимандаликка берилмайди, аксинча, бунёдкорлик, янгилаш ва яратиш йўлидан боради. Шу йўлда изланади ва натижалар қайд этади.

Шундай экан, боқимандалик уларнинг фарзандларига мерос бўлиб ўтмаслиги учун тарғибот ишларимизни кучайтирайлик! Тарғиботни вазифа эмас, балки машғулот деб билишимиз лозим. Зеро, доимий одатга, машғулотга айланган ҳар бир эзгу иш ўз самарасини бермай қолмайди.

Ҳурматли имом-хатиблар, отинойилар!

Сизлар ҳамиша халқимизнинг иссиқ-совуқ маъракаларида, қувончли ва қайғули кунларида одамлар орасида бўласиз. Илму маърифатингиз билан минглаб юртдошларимизни тўғри йўлга бошлайсиз! Бугунги кунда маҳаллаларда айрим тоифа одамлар орасида пайдо бўлаётган дангасалик, боқимандалик кайфияти жамиятимиз учун оғриқли муаммо эканини яхши биласиз!

Муқаддас ҳадислардаги “Берган қўл олган қўлдан хайрлироқдир” деган пурҳикмат сўзларни бугун атрофимизда яшаётган, ўз муаммоларини ҳал этишни бошқалар зиммасига юклаб, боқимандалик кайфиятига берилаётган айрим ҳамюртларимизга тушунтирайлик! Зеро, она халқимиз “Меҳнат билан топилган нон энг тотли неъматдир” деган нақлни бежиз айтмаган. Ҳар бир инсонни ҳалол меҳнати, изланиши, салоҳиятини юзага чиқариши эвазига топадиган даромади ва шу орқали одамларга манфаатли бўлиши ўзгача завқлантиради. Бу ҳаёт завқини ҳис этиш ҳам саодатга етакловчи омил эканини жума маърузалари ва маърифий йиғинларда одамларга ҳаётий ҳикматлар билан тушунтирайлик! Барака омиллари, камбағалликни келтириб чиқарувчи зарарли одатлар ва иллатлар ҳақида юртдошларимизга кенг тушунча берайлик!

Орамизда эҳсонини ошкор этмайдиган бадавлат, тадбиркор, баракали инсонлар бор. Уларга ҳам ишлашга шароити бўла туриб, эҳсон кутиб яшаётган оилага кундалик таомини беришдан кўра, шу оила аъзоларини ишга йўналтириш, касб-ҳунар ўргатиб, иш билан таъминлашнинг савоби улканроқ эканини уқтирайлик! Муқаддас динимизда садақаи жория орқали одамлар айнан мана шундай хайрли ишларга тарғиб этилганини яхши биламиз!

Шу билан бирга, пешона тери эвазига топган маблағларини орзу-ҳавас йўлида ҳавога совураётган ҳамюртларимиз ҳам йўқ эмас. Тўй ва бошқа оилавий маросимларини дабдабали ўтказиш учун, машинасига бошқаларникига ўхшамайдиган рақам олиш, ҳатто чақалоғини туғуруқхонадан олиб чиқиш учун жуда катта миқдордаги пулларини сарфлаб юбораётган, кейин эса қарзга ботиб қолаётганлар атрофимизда яшамоқда. Тежамкорлик бараканинг калити эканини уларга тушунтирайлик! Ихчам ва чиройли тўйлар, оилавий тадбирларни ташкил этишда ўзимиз бошқаларга ибрат бўлайлик!

Ҳурматли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар мутасаддилари!

Камбағалликни қисқартириш умуммиллий ҳаракатини амалга оширишда, халқимиз ҳаётига бугунги ислоҳотларни олиб киришда, айниқса, сизларнинг иштирокингиз жуда муҳим!

Президентимиз раислигида 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада сизларга янги вазифалар белгилаб берилди. Президентимиз бундан буён ҳукуматдан тортиб, туман ташкилотигача барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши оилаларни камбағаллик шароитидан олиб чиқиш бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бу йил ҳар бир маҳалла тўлиқ хатловдан ўтказилиши, “камбағал оилалар портрети” ишлаб чиқилиши, оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланишда ҳар бир мутасадди ташкилот вакиллари виждонан ишлайлик!

Маҳаллалардаги шароитларни яхшилаш, келаси йили маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, шароити энг оғир 300 та маҳаллада сув насослари ва қуёш панеллари ўрнатиш, 500 та маҳаллада электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалалари ҳал этилиши ҳам камбағалликни қисқартириш йўлидаги салмоқли қадамлар бўлади.

Биргина Қўшработ туманида аҳолининг **1,5 минги** томорқада банд бўлгани билан **сув муаммолиги** учун кам ҳосил олаётгани, **610 нафари** тадбиркор бўлгани билан **фаолиятини кенгайтиришга имконият йўқлиги** боис, даромади етарли эмаслиги, **660 нафари касбий кўникмаси йўқлиги** сабабли ишсиз эканини Президентимиз алоҳида таъкидлади.

Бундай муаммолар юртимизнинг барча ҳудудларида мавжуд. Уларга ечим топиш, аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартиришда масъулиятни ҳис этиб Президентимизга камарбаста бўлайлик, сергаклик ва ғайратшижоат намунасини кўрсатайлик!

Нуридийдаларимиз бўлган қадрли ёшлар!

Сизлар — юртимиз келажагининг эгаларисиз!

Мамлакатимизда сизларнинг илм олишингиз, салоҳиятингизни юзага чиқаришингиз, бахтли-саодатли яшашингиз учун кенг имкониятлар яратилган. Улардан унумли фойдаланинг! Дунёда бу шароит ва имкониятларни орзу қилиб яшаётган қанчадан қанча имконсиз ёшлар борлигини унутманг!



Қанча кўп ўқиб-ўргансангиз, жамиятга аралашиб, эл-юртга манфаатли бўлишга уринсангиз, шахс сифатида такомиллашиб бораверасиз! “Париж — 2024” Олимпиадаси ғолиблари, айниқса, “Париж — 2024” Паралимпия ўйинлари иштирокчилари ва ғолиблари ҳам сизларнинг тенгдошларингиз! Уларнинг Олимпиада ўйинлари, Паралимпия баҳсларига етиб боришининг ўзи катта ғалаба! Бу йўлда қилинган меҳнатлар осон бўлмаган! Эл-юртнинг суюмли ўғил-қизи бўлиш йўлида улардан ибрат олинг! Она Ватан шону шарафини қалбига жо этиб интилганлар ҳамиша эл-юртнинг ардоғига ва бахтли ҳаётга эришишини унутманг!

Сиз ҳам имконият ва салоҳиятингизни юзага чиқариш йўлида ҳаракат қилинг! Спорт, санъат, маданият, илму маърифат йўлида интилинг! Ота-боболарингиз асрабавайлаб келаётган касб-ҳунарларни пухта эгалланг! Ҳалқимизда “Ота касбида барака бор” деган гап бежиз айтилмаган! Энг аввало, оилангизга келаётган барака йўлларини ўрганинг. Тенгдошларингизни ҳам ғайратли, шижоатли бўлишга чақиринг! Афсуски, бугун орангизда ўз орзу-мақсадларини аниқ белгилай олмаган ёшлар талайгина. Тўрт мучаси соғ бўла туриб, ишламаётган, бирор касб-ҳунарнинг бошини тутмаганлар бор. Бараканинг калити меҳнатда эканини уларга тушунтиринг! Сизларнинг бугунги саъй-ҳаракатларингиз, орзу-интилишларингиз бевосита она Ватанимиз келажагини белгилаб беришини унутманг!

Ҳурматли уста боғбонлар, бобо деҳқонлар!

Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қарич ери олтинга тенгдир. Сиз ер билан тиллашиш санъатини пухта эгаллаган ҳаёт академикларисиз!

Ҳар бир оиланинг ички имкониятларини юзага чиқариш, айниқса, томорқачиликни ривожлантириш, турли касб-ҳунарлар орқали аҳолимизнинг даромад топишига кўмаклашиш ҳам долзарб вазифамиз.

Томорқа беқиёс хазина эканини ёш оилалар ҳаётига сингдириш учун бу борада “устоз-шогирд” анъаналарини ҳаётга кенг татбиқ этайлик! Ҳар бир хонадонда каттами-кичикми иссиқхоналар қуриб, помидор, бодринг, кўкат ва лимон парваришлашни ёшларга ўргатайлик! Меҳнат ортидан келадиган қут-барака, бахтли ва файзли ҳаёт қадрини жойларда турли йиғин ва маъракаларда, ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб этайлик!

Мамлакатимиз аҳолисида ярим миллион гектарга яқин томорқа мавжуд. Афсуски, ундан ҳалиям тўла фойдаланишни билмайдиган оилалар бор. Сайхунобод тажрибаси, Уйчи тажрибаси асосида томорқадан қандай фойдаланишни қўшниларимизга, таниш-билишларимизга ўргатайлик! Томорқа бизга Аллоҳнинг буюк неъмати эканини, ундан самарали фойдаланишимиз зарурлигини уқтирайлик!

Президентимиз ташаббуси билан лалми, бўз, яйлов ва янги ўзлаштирилган ер майдонларидан 60 минг гектар ер ёшларга берилди. Айни пайтда давлатимиз раҳбари яна **50 минг гектар** ер **100 мингта камбағал оилага** бўлиб берилишини таъкидлади.

Ёшлар ва ёш оилаларга ер билан тиллашишни, қаерга қандай экин экишни, экинларни қандай парваришлашни ўзимиз ўргатмасак, уларнинг меҳнати ва ҳаракати бесамар кетаверади. Ер билан тиллашишни билмаса, камбағал қандай бой бўлсин!

Атрофингиздаги қийналиб яшаётган, ўзига муносиб иш топа олмаётган маҳалладошингизни ёнингизга олинг! Президентимиз ташаббуси билан камбағалларга ажратиладиган ерлардан қандай фойдаланишни уларга ўргатинг!

Азиз ҳунармандлар, юртимиз иқтисодиёти таянчи бўлган тадбиркорлар!

Сизлар ҳунарни асраш, уни кейинги авлодларга етказиш бўйича халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаб келмоқдасиз. Бизнес юритишнинг, тадбиркорликнинг турли йўналишларида иш бошқаришнинг сир-асрорларидан хабардорсиз!

Президентимиз аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришда сизларга катта ишонч билдирмоқда.

Биз, кекса авлод вакиллари яхши биламизки, бугун, айниқса, сўнгги етти йилда тадбиркорларга берилган имкониятлар илгари сира бўлмаган. Гарчи қонимизда тадбиркорлик бўлса-да, яқин ўтмишда, тадбиркорлик ва ҳунармандлик бизнеси билан шуғулланган одамлар қаттиқ қораланар эди. Кимдир тадбиркорлик қилса, “чайқовчи”, “олиб-сотар” деган тамға қўйиларди. Ўша даврларда орамиздан бой чиқмасин деб қурашилар эди. Эндиликда эса ҳар бир инсоннинг салоҳиятини юзага чиқариш, бойларни кўпайтириш, камбағалликни қисқартириш учун юртимизда жуда катта ҳаракатлар қилинмоқда.

Бироқ “Қўлдан берганга қуш тўймас” деган гап бежиз айтилмаган. Камбағалликдан қийналган оила вакилларига бир марталик ёрдам бергандан кўра, уларни касб-ҳунарли қилиб, иш билан таъминлаш савоблироқ амалдир.

Эл-юртимиз фаровонлиги йўлида ҳаётда ўз йўлини топа олмай, қийналиб, камбағалликдан азият чекиб юрган ҳамюртларимизни ёнингизга олинг, касб-ҳунар ўргатиб, ҳаётда ўз йўлини топишига кўмаклашинг! Одамларни иш билан таъминлашни шарафли юмуш деб билайлик!

Ҳурматли “маҳалла еттилиги” фаоллари!

Сизлар маҳалланинг пасту баландини, оилаларнинг моддий имкониятларини ҳаммадан яхши биласиз!

Давлатимиз раҳбари маҳалла тизимини мустаҳкамлашга, маҳаллаларимизни обод қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маҳаллада **камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм** арзон **кредит**, **7 триллион сўм субсидия** берилган. **Маҳаллаларни обод қилиш**, **боғча**, **мактаб**, **тиббиёт, йўл, сув** ва **электр** инфратузилмаси учун **120 триллион сўм** ажратилган.

Ўтган ойда юртимизга Камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро конференцияга келган 60 дан ортиқ мамлакат экспертлари Ўзбекистон қисқа муддатда яратган тажрибани юқори баҳолади. Аммо республикамиздаги 15 та туманда камбағаллик 20 фоиздан юқорилиги кўрсатилмоқда. Бу туманларда камбағалликни қисқартириш учун уч йилда 1,7 триллион сўм арзон кредит ва субсидия берилган.

Бу эътибор замирида ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, қадр-қимматини юксалтиришдек эзгу мақсад борлигини маҳалла аҳлига тушунтирайлик!

Оилаларга кириб, хонадоннинг ишга яроқли барча аъзоларини меҳнат қилишга, ишлаб оиласини оёққа турғазишга руҳлантирайлик! Меҳнат завқини одам ўзида ҳис қилмаса, оила бой бўлмаслигини тушунтирайлик!

Аслида, ҳамманинг ҳам фаровон ҳаёт кечиргиси келади! Бироқ бундай яшаш учун кимдадир билим, кўникма ва тажриба етишмайди. Ана шундай оилалар вакилларига ўз салоҳиятини, билим ва кўникмаларини оширишга ёрдам берайлик! Замонавий касб-ҳунарларни ўргатайлик!

Меҳнат қилишга қодир бўлмаган, давлатимизнинг ижтимоий ҳимоясига муҳтож маҳалладошларимизни ҳам қўллаб-қувватлайлик!

Идоралар, вазирликлар ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда “маҳалла еттилиги” аҳолини даромадли ишларга жойлаштириш бўйича имкониятлар яратилди. Бундан унумли фойдаланайлик! Камбағал оила аъзолари билан дилдан гаплашиб, ким нимага қизиқиши ва қандай юмушга кўникмаси борлигини аниқлайлик!

Ўзига ишончи йўқолган, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган айрим ҳамюртларимизни соғлом ҳаётга қайтариш “маҳалла еттилиги”нинг муҳим вазифасига айлансин!

Азиз ҳамюртлар!

Шу обод ва жаннатмонанд юрт ҳаммамизники!

Мамлакатимиз мустақиллигининг **35 йиллиги байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида Президентимиз: “Бугун шиддатли ҳаётнинг ўзи барчамизни янада улкан марралар сари даъват этмоқда. Ўз кучимиз ва салоҳиятимиз билан барпо этган мустақил давлат, эркин ва озод жамиятни янада кучли, янада гўзал ва обод этиш бош вазифамизга айланмоқда”**, дея алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, **“юртнинг кучи бирликда, қадри эса тинчликдадир”.**

Бир бўлсак — ягона халқмиз, бирлашсак — Ватанмиз! Янги Ўзбекистонимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлида “Камбағалликдан фаровонлик сари” умуммиллий ҳаракатида фаол иштирок этиб, Президентимизга камарбаста бўлайлик!

Маҳаллаларимизда камбағаллик даражасидаги оилалар қолмаслигига эришайлик! Янги Ўзбекистонимизнинг барқарор ривожланиши ва тараққиётини таъминлашга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшайлик!

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ЯНГИ ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида “Lotte Group” раиси Шин Дон Бинни қабул қилди.

Ўзбекистон етакчиси компания Кореянинг мамлакатимиздаги энг йирик инвесторларидан бири эканини, кўп йиллардан буён самарали ҳамкорлик олиб борилаётганини таъкидлади. Устюрт газ-кимё мажмуаси муваффақиятли фаолият юритаётгани алоҳида қайд этилди.

Юртимизда Кореянинг илғор технологиялари асосида девелоперлик лойиҳаларини амалга ошириш масалалари ҳамда мис фольгаси ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президентимиз компаниянинг мамлакатимиздаги туризм марказларини бошқариш ва меҳмонхона бизнесида хизматлар сифатини ошириш борасидаги режаларини қўллаб-қувватлади.

Якунда икки томонлама лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини мониторинг қилиб бориш мақсадида ишчи гуруҳ тузиш юзасидан келишувга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида Корея Экспорт-импорт банки раиси Хван Ки Ён билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Корея Геология ва минерал ресурслар институти (KIGAM) президенти Квон И Гюн ва Корея Нодир металлар институти (KIRAM) директори ўринбосари Бум Сун Ким ҳам иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш, фармацевтика, муҳим материаллар, таълим ва транспорт соҳаларида банк ва унинг жамғармалари билан кўп йиллар самарали ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорлик бўйича 8 миллиард долларлик янги дастур имзоланишини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездларни етказиб бериш, Биомарказ ташкил этиш, муҳим минералларни қайта ишлаш ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Оролбўйи ҳудудида Хотин-қизлар тадбиркорлиги марказини очиш ҳамда Тошкент — Самарқанд йўналишида янги темир йўл қурилиши лойиҳасига Кореянинг молия институтлари ва компанияларини жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар стратегик муҳим минераллар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қўшма жамғарма ишга туширилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Яримўтказгичлар ва янги материалларни ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш марказини ташкил этиш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Ушбу лойиҳаларда Корея Геология ва минерал ресурслар институти ҳамда Корея Нодир металлар институтининг фаол иштирокини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрига ташриф доирасида “Hyundai Motor Group” стратегия бўйича президенти Ким Сон, “Kia Motors” катта вице-президенти Чо Сан Ун ва “Hyundai Rotem” директорлар кенгаши раиси Ли Ён Бэ билан ҳам учрашув ўтказди.

Компаниялар гуруҳининг Ўзбекистонда автомобиль ва транспорт соҳаларини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди. Жиззахда ташкил этилган автомобиль кластерида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва автомобиль бутловчи қисмларини маҳаллийлаштириш даражасини ошириш масалалари кўриб чиқилди.

“Kia” автомобилларини ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжири йўлга қўйилаётгани ва экспорт ҳажми ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Янги русумдаги автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаш ва пресслаш цехини ишга тушириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, электр ва гибрид автомобиллар йиғишни йўлга қўйиш истиқболлари кўриб чиқилди.

Юқори тезликда ҳаракатланувчи “Hyundai Rotem” поездлари Тошкент — Хива йўналишида қатнай бошлади ва йўл вақтини икки баробар қисқартирди. Компания томонидан қўшимча поездларни етказиб бериш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда “Hyundai Rotem” сервис марказини ташкил этиш, бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда электр двигателлари учун магнитлар ишлаб чиқариш масаласини ўрганиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳрига ташриф доирасида “Shinhan Financial Group” компанияси раиси Чжин Ок Донни қабул қилди.

Учрашувда молиявий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда инфратузилмани такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергетика ва саноат соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон тижорат банкларига кредит линияларини ажратиш тўғрисида келишув имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатимизда “Shinhan Bank”нинг шуъба банкини ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги молиялаштириш инструментлари ва “яшил” кредитларни жалб этиш ҳамда рақамли банкинг, кичик ва ўрта бизнес учун махсус ечимларни ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига ташрифининг ишбилармонлик дастури доирасида “KIND” корпорацияси бош ижрочи директори Ким Бок Хван билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда мамлакатимиз транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар қўшма инвестиция платформаси ташкил этилганини олқишладилар.

Янги илмий-саноат биокластерини ташкил этиш лойиҳаси доирасида илм-фан, саноат ва замонавий технологияларни бирлаштирувчи яхлит экотизимни шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Томонлар Тошкентнинг янги халқаро аэропорти атрофидаги ҳудудни ривожлантириш бўйича мастер-режа ишлаб чиқиб, унда аэропорт, илғор логистика хаблари ва турар жой инфратузилмасини ягона тизимга бирлаштириш зарурлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига ташриф доирасида “Incheon International Airport Corporation” президенти вазифасини бажарувчи Ким Бом Хо билан учрашув ўтказди.

Урганч халқаро аэропортини модернизация қилиш ва Тошкентнинг янги халқаро аэропортини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

“Incheon International Airport Corporation” компаниясининг Тошкент шаҳрида ўз вакилатхонасини очиш режалари қўллаб-қувватланди. Унинг негизида аэропортларни бошқариш, рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича компетенциялар марказини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Корея томони қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишни давом эттириш, аэропортларни бошқариш соҳасида илғор тажриба ва технологияларни жорий этиш ҳамда Ўзбекистон билан узоқ муддатли шерикликни кенгайтиришга тайёрлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида ушбу мамлакатда меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ватандошларимиз билан учрашди.

Норасмий муҳитда ўтган самимий суҳбат давомида Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ва уларни ҳаётга фаол татбиқ этишга ватандошларимизнинг қўшаётган ҳиссаси муҳокама қилинди.

Учрашув иштирокчилари Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида иқтисодиёт, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришга қаратилган бир қатор илғор таклифларни илгари сурдилар.

Миллий иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқлари ва давлат бошқарувига сунъий интеллект ҳамда Кореянинг рақамли технологияларини интеграция қилиш, тиббиёт, транспорт, божхона ва туризм соҳаларида инновацион ечимларни илгари суриш, миллий тўлов тизимлари ва пул ўтказмалари платформаларини жадал ривожлантириш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Хусусан, Корея Республикасида Ўзбекистон маданий марказлари тармоғини кенгайтириш, ўзбек тилини ўрганиш дастурларини ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудида турли маданий тадбирларни ўтказиш ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини корейс тилига таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссаси учун ватандошларимизга миннатдорлик билдириб, уларнинг ҳар бир ташаббуси батафсил ўрганилишини, энг муҳим лойиҳалар ҳар томонлама амалий қўллаб-қувватланишини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси учрашувда қатнашган профессорлар, тадбиркорлар, фаоллар ва талабаларга ўқишда ва касбий фаолиятда муваффақиятлар тилаб, давлатимиз улар билан мулоқотга доимо очиқлиги, ватандошларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга тайёрлигини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, учрашув иштирокчилари Президентимизга ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва орзу-ниятларни рўёбга чиқаришда яратилаётган янги имкониятлар учун самимий миннатдорлик билдириб, ўз билим ва ғайратини Ватанимиз фаровонлиги ва равнақи йўлида сафарбар этишга ҳамиша тайёр эканлигини айтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА







ҲУДУДЛАРДАГИ КАТТА ОРЗУЛАР РЎЁБИ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” МАССИВЛАРИ ИНСОНЛАР ТУРМУШ ТАРЗИ ВА КЕЛАЖАК ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРНИ ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРМОҚДА?

“Янги Ўзбекистон” газетасида “Янгиланишлар харитаси” лойиҳасини бошлаган эдик. Унда мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг ҳудудларда қай йўсин амалга ошаётгани, оддий одамлар ҳаётидаги янгиланишлар, олис қишлоқ ва овулларда яшайдиган юртдошларимиз ўй-фикрлари, орзулари каби масалаларга жавоб топиш учун газетамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги мухбирлари билан онлайн гурунг ташкил этиб боришни мақсад қилганмиз.

Бу сафарги суҳбатимиз “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳақида бўлди. Унда янги массивлар оддий инсонлар турмуш тарзида қандай ўзгариш ясаганини очиб беришга уриндик. Суҳбат чоғида мавзунинг кўлами кенглиги, бу борада айтиладиган фикрлар кўплигини сездик. Шу боис, энг муҳим деб ҳисобланган фактлар асосидаги фикрларга кўпроқ эътибор бердик. Умид қиламизки, пойтахтдан олисда, оддий одамлар орасида юрган журналистлар нигоҳи ила мамлакат бўйлаб қулоч ёзган янгиланишлар харитасини кўриш, тасаввур этиш йўлидаги навбатдаги суҳбатимиз сиз, азиз ўқувчиларга манзур бўлади.

Таҳририят



Янгиланишлар харитаси

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ:

— Мамлакатимиз ҳаётида сўнгги 10 йил улкан бунёдкорлик даври сифатида тарихга муҳрланяпти. Ушбу янгиланишлар шиддати олису яқин манзилларда бирдек кўзга ташланмоқда. Хусусан, Навоий вилоятида ҳам ўтган қисқа даврда шаҳару қишлоқлар, чекка овул ва қўрғонларда катта ҳажмдаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилди. Маҳаллалар обод бўлди.

“Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш дастури ана шу бунёдкорлик ишларига янгича руҳ берди. Шунчаки руҳ берди дейиш камлик қилади. Дастур халқимизнинг уй-жойга эҳтиёжи қатори яна бир қанча ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим бўлди. Тараққиёт шиддатини ўзида жамлаган йирик лойиҳа сифатида ҳаётимизга кириб келди.

Шу ўринда бир жиҳатни эсга олсак. Дастлаб қишлоқ жойларда, очиқ далаларда кўп қаватли уйлар қурила бошлаганида айрим юртдошларимиз бунга бир оз ажабланиш билан қараган эди. Шунча кенг жойда кўп қаватли уйлар қуриш нимага керак деган саволлар қулоққа чалингани бор гап. Негаки кўп қаватли уйни қишда иситиш, ёзда салқин сақлаш билан боғлиқ масалалар кўпчиликни ўйлантирарди. Шу пайтгача айрим шаҳарчаларда ҳам оқова сув тизими йўқлиги бунга сабаб эди.

“Янги Ўзбекистон” массивлари қарашларимизни буткул ўзгартирди. Чекка, қаровсиз ётган ерлардан ҳам оқилона фойдаланиш, замонавий шаҳар бунёд этиш мумкинлигини исботлади. Хусусан, Навоий вилояти марказидан қарийб 200 километр узоқдаги Зарафшон шаҳрида катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Йўллар равон бўлиб, чироқлар ўрнатилди. Йўл четларига манзарали гул ва дарахт кўчатлари экилди. Зарафшон шаҳри ташкил этилганида 50 минг аҳоли яшаши мўлжалланган. Сўнгги 20 йилда шаҳарда аҳоли сони қарийб 2 баравар кўпайди. Ўз-ўзидан уйлар ва инфратузилма объектлари қуввати ошиши талабга айланди. Содда айтганда, битта хонадонда бир неча оила тиқилиб яшарди. Поликлиникага борган киши узоқ навбатда туришга, қониқарли бўлмаган шароитда даволанишга мажбур эди. Негаки талаб ошгани сари моддий-техник база сабаб хизмат сифатига таъсир қиладиган омиллар кўпайиб бораётганди.

Мамлакатимиз етакчисининг Навоий вилоятига ташрифи чоғида ҳудуд фаолларининг Зарафшон шаҳрини кенгайтириш ва шаҳар марказий поликлиникаси учун янги бино қуриш таклифи маъқулланди. Ўтган қисқа муддат ичида шаҳарда 7-12 қаватли турар жой бинолари қад ростлади. Ҳозир саноатчилар шаҳри кун сайин кенгайиб бормоқда. Шаҳардаги “Янги Ўзбекистон” массивида 2024 йилда 100 га яқин кўп қаватли турар жой қурилган эди. Улар 2025 йилда 180 тага етказилди. Жорий йилда ҳам қурилиш давом этяпти.

Яна бир мисол. Кармана туманининг Дўстлик маҳалласида 21 гектарда “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилди. Унинг биринчи босқичи — 2022-2024 йилларда 420 хонадонли 18 та кўп қаватли уй қад ростлади. Ўтган 2025 йилда 40 хонадонли яна 2 та уй фойдаланишга топширилди. Юртдошларимизда ушбу массивлардан хонадон сотиб олишга иштиёқ баланд. Негаки улар бошқа уйлардан тубдан фарқ қилади. “Янги Ўзбекистон” массивларини шаҳар ичидаги алоҳида кичик шаҳарча десак, тўғри бўлади. Яъни аҳолига яшаши учун нима керак бўлса, қандай хизматга зарурат бўлса, массивларнинг ўзида яратиляпти. Бу хусусда ҳамкасбларимиз ҳам фикрини батафсил айтади. Демоқчимизки, “Янги Ўзбекистон” массиви тимсолида инсонга эътибор, уни қадрлашнинг амалий ифодасини кўриш мумкин.

Ушбу массивларнинг ўзига хослиги лойиҳада кўп қаватли уйлар ёнига мактаб, боғча, поликлиника, савдо нуқталари комплекс тартибда қурилганида. Шунга асосан, тумандаги янги массивда ҳам мактабгача таълим ташкилоти, мактаб ва поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бош режага кўра, туманимиздаги “Янги Ўзбекистон” массивида 1180 хонадонли 56 та кўп қаватли уй қуриш режа қилинган, — дейди Кармана тумани ҳокими ўринбосари Анвар Тошназаров. — Шунингдек, 1 та 330 ўринли, 1 та 660 ўринли умумий ўрта таълим мактаби, 180 ўринли 2 та мактабгача таълим ташкилоти, маҳалла биноси, маданият уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, автомобиллар учун тураргоҳ, болалар ва спорт майдончалари, истироҳат боғи, умумий овқатланиш ҳамда бошқа кўнгилочар шохобчалар қурилиши кўзда тутилган. Янги массивда бинолар белгиланган стандартлар асосида, шаҳарсозлик нормаларига амал қилинган ҳолда мустаҳкам ва сифатли қилиб қурилиши тегишли ташкилотлар назоратига олинган. 2022-2025 йиллар давомида қурилиши якунланган кўп қаватли уйлар ва бинолар иситиш тизимига уланган, газ, сув, электр билан таъминланган ва янги хонадонлар аҳолига замонавий дизайнда, тўла-тўкис таъмирланган ҳолатда топширилди.

Қизилтепа туманининг Маликобод маҳалласида ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этиляпти. Унда 52 та кўп қаватли уй, мактаб, боғча, оилавий поликлиника, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, истироҳат боғлари бўлади. Ичимлик сув, электр, табиий газ, иссиқлик ва канализация тармоқлари тортилиб, ички йўллар таъмирланяпти.

Қизилтепа тумани ҳокими ўринбосари Ҳасан Алиевнинг маълум қилишича, массив учун 20,1 гектар ер ажратилган. Лойиҳанинг 1-босқичида 200 хонадонли 8 та 5 қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган. Шунингдек, 180 ўринли умумий ўрта таълим мактаби, 50 қатновли тиббиёт муассасаси қурилди. Бу ишлар қисқа вақт — 2022-2024 йиллар давомида бажарилди. Айни вақтда 2-босқич ишлари давом этмоқда. Унинг доирасида 252 та хонадонли 7 та 9 қаватли уй қад ростлаяпти. Бош режага кўра, 1112 хонадонли 50 та кўп қаватли уй, мактаблар, маҳалла биноси, маданият уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, автотураргоҳ, болалар ва спорт майдончаси қурилади.

“Янги Ўзбекистон” массивлари олис ҳудудларга илгари шаҳарларимизда ҳам бўлмаган замонавий ҳаёт тарзини олиб кирди. Шахсан мен шу пайтгача Тошкентда ёки дунёнинг бошқа шаҳарларида ҳам барча имконият, хизматлар бир жойда жамланган ихчам, замонавий, барча талабларга жавоб берадиган шаҳарча бунёд этилганини эшитмаганман. Тўғри, бу борада изланиб муайян ўхшашликларни топдим. Масалан, Сингапур каби ривожланган давлатларда шунга яқин лойиҳалар бор. Уларда хизмат кўрсатиш тизими бир жойда, ёпиқ бино ичида жойлашган. Массив ичида иш ўринлари яратилган бинолар эса фақат ётоқхона шаклида қурилган.

“Янги Ўзбекистон” массивлари том маънодаги шаҳарча. Унинг иш ўрни ҳам, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам, маданий ҳордиқ чиқаришга сайилгоҳ ва чойхоналари ҳам бор. Хавфсизлик тизими, аҳолини қийнайдиган саволларга жавоб шу маҳалланинг ўзида жамланган.

Акбар РАҲМОНОВ:

— Тўғри айтдингиз, Ғолиб ака! Бугун олис ҳудудлар обод масканга айланяпти. Учтўрт ой олдин борган манзилга яна йўлингиз тушса, ўзгаришлардан ҳайратланасиз. Узоқ йиллар қаровсиз ётган жойлар қисқа фурсатда гўзал маскан бўлиб боряпти.

Ушбу йирик лойиҳа аниқ ҳуқуқий асос, иқтисодий ечимлар билан амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йил 9 декабрда давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни имзолаган эди. Мазкур ҳужжатга кўра, 2022 йилдан манзилли рўйхат асосида жойларда “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши бошланди.

Қашқадарёда дастлаб Косон ва Яккабоғ туманларида замонавий уйлар қурилишига киришилган эди. Белгиланган муддатда сифатли, талаб даражасида барпо этилган иморатлар бугун аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Яккабоғ тумани ҳокимлиги берган маълумотга кўра, “Янги Ўзбекистон” массиви учун ажратилган 18 гектар ерда жами 1340 хонадонли 54 та 5 қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган. Лойиҳа доирасида 36 хонадонли 15 та, 40 хонадонли 1 та, 20 хонадонли 38 та уй-жой барпо этилган. Шунингдек, бюджет маблағлари эвазига 15 миллиард сўмга 330 ўринли 1 та янги мактаб ҳамда 6,5 миллиард сўмга 120 ўринли 1 та мактабгача таълим ташкилоти ва 1,7 миллиард сўмга маҳалла биноси қурилган.

Бу битта ҳудуддаги зарур иншоотлар учун сарфланган маблағ. Энди қуйидаги фактларга эътибор қилинг. Икки йўлакли кўп қаватли ўн бешта уйнинг 1-қаватидан тадбиркорлар учун 3750 квадрат метр жой ажратилган. Уларда тадбиркорларнинг 43 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 45 дан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилган. Натижада 120 та янги иш ўрни яратилган.

Биз бундай рақамларни осонгина айтиб кетаверамиз. Аммо уларнинг ҳар бири ортида жуда катта меҳнат, ишонч, рағбат ва интилиш бор. Масалан, ҳозир дунёда геосиёсий ва геоиқтисодий жараён жуда мураккаб. Бундай вазиятда ҳар бир мамлакат ички имкониятидан келиб чиқиб, иқтисодий барқарорликни сақлаш чораларини кўради. Демоқчимизки, битта массив учун мана шундай йирик миқдорда сармоя ажратиш осон эмас.

Тадбиркорлар янги биноларнинг биринчи қаватига миллиардлаб пулини сармоя қилиши ҳам бежиз эмас. Чунки шу маблағ ортиғи билан қайтиб келишига ишонади. Негаки уйлар харидоргир. Халқимиз уйларни тўлдириб яшай бошлаши ҳамон тадбиркорлар даромади кўпаяверади. Бир томонда эса ишбилармонларга катта имтиёз ва имкониятлар берилмоқда. Бу уларни ишини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга рағбатлантирмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массивларидаги уйлар нега харидоргир? Сабаб оддий, у ерда барча шароит бор! Масалан, Яккабоғ туманидаги массивда 3,1 километр ичимлик сув тармоғи учун 2 та сув иншооти ҳамда 8,4 километр оқова сув тармоғи учун 1 та иншоот ва 6 километр ички йўл қурилган. Тағин 3,8 километр иссиқлик тармоғи тортилиб, қозонхона барпо этилган. Табиий газ учун 1,5 километр қувур тортилиб, 6 та тақсимлаш пункти, 50 кВт қуёш панеллари ва 140 минг литр сиғимга эга 700 дона гелиоколлектор ўрнатилди. Бундай ишларни яна узоқ санаш мумкин.

Мана шу рақамларнинг ўзини бир жойда жамлаб қарасангиз, улкан бунёдкорликни ҳис этасиз. Замонавий шаҳар кўринишига келган бу манзил бир пайтлар қаровсиз майдон бўлганига ишонмайсиз. Яна бир гап. Мазкур массивда бошқа туман ва шаҳарлардагидан фарқли ўлароқ, етакчи тадбиркор ташаббуси билан йирик лойиҳа асосида экобозор ташкил этилган. Қиймати 6 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу мажмуа уч қаватдан иборат бўлиб, 80 та иш ўрни яратилган. Муҳими, бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам, кийим-кечаклар ҳам, дам олиш ва овқатланиш нуқталари ҳам бор.

Сарвар ТЎРАЕВ:

— Сурхондарё вилоятининг Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Сариосиё ва Термиз туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари қоғоздагина эмас, балки ҳаётда, кундалик турмуш тарзида аксини топаётгани инсонларда эртанги кунга ишончни, юртга муҳаббат ва ислоҳотларга иштиёқни янада мустаҳкамлаяпти. Массивлардаги хонадонларда яратилган ҳар бир қулайлик, ҳар бир инновацион ёндашув халқнинг яшаш сифати ошишига, оилавий осойишталик ва ижтимоий барқарорликка хизмат қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массиви ва унинг атрофидаги объектлар режасини тузишда истиқболда аҳоли ўсиши, ҳудуд инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш кенгайиши каби жиҳатлар ҳам назарда тутилган. Бу жуда муҳим омил. Шу билан бирга, массивларга ёндош ҳудудларда фойдаланишдан чиққан ер майдонларини қайта ўзлаштириш ҳисобига иссиқхоналар қуриш, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бунёд этиш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда.

Хусусан, Жарқўрғондаги “Янги Ўзбекистон” массивида ҳозирга қадар 7 та микромарказ, 29 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, массив ҳудудида 50 қатновли оилавий поликлиника, 180 ўринли болалар боғчаси, 330 ўринга эга мактаб ва АТ марказ қурилган. Инфратузилма объектларини қуриш ва ободонлаштириш шу билан якун топгани йўқ. Массивга 1,9 километр ичимлик сув, 3,9 километр оқова сув, 2,3 километр иссиқлик тармоқлари, 2,8 километр газ қувури тортилди. 5 та трансформатор ўрнатилди. Пиёдалар йўлакчалари қурилиб, 4,5 гектар ерга манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда 300 гектар дашт ҳудудига саксовул экилди.

Жарқўрғон туманида қурилиши 2022 йилда бошланган “Янги Ўзбекистон” массивида шу йил охирига қадар жами 86 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Сурхон воҳасининг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб, жойларда бунёд этилаётган массивларда яшил белбоғлар, боғ яратиш, уйлар атрофида турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, уларни суғориш тизимига алоҳида эътибор бериляпти.



Очиғи, бугун бу ерга келган киши одамлари самимий, атрофи яшилликка бурканган, инфратузилмаси ривожланган кичик шаҳарчага тушиб қолгандек сезади ўзини. Массив ҳудуди яқин вақтларгача бийдай чўл эди. Шу ердан ўтиб-қайтаётганлар чўлда ҳам кўп қаватли уй бўладими, ёзнинг иссиғида, қишнинг қора совуғида қандай яшаш мумкин деган саволлар берарди. Яшил белбоғ ана шу масалага табиий ечим бўлди. Сув, газ, электр олиб келинди. Мана шу омилларнинг ўзиёқ туманларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида қад ростлаётган 5 ва 9 қаватли уйлар икки ва уч хонадан иборат, замонавий ҳамда шинам. Бу бинолар 9 балли зилзилага чидамли қилиб қурилган.



Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизими ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради. “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этиш борасидаги қарор ва фармонлар массивлар узоқ келажакни ўйлаб, пухта режа билан қурилаётганини англатади.

Бугун Сурхондарёда қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари мисолидаги бундёдкорлик ишлари нафақат архитектурада, балки инсон қалбида ҳам янги нафас, янги руҳ, янги орзу-умидларни уйғотаётгани шубҳасиз. Зеро, фаровон ҳаёт халқ розилигидан бошланади.

Сариосиё туманининг Лутфикор маҳалласида 31 гектардан ортиқ майдонда ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этиляпти. Бу ерда 2026 йил охиригача 5, 7, 9 қаватли, жами 2322 хонадонга эга 78 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Аҳоли анча зич яшайдиган ҳудудлар учун бундай массивлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Уй-жойларнинг сифати ва таннархи ҳам халқнинг имкониятига мос экани эътиборга молик.

Ангор туманидаги Шарқ гули маҳалласида 11,2 гектарда 1005 хонадонли жами 43 та уй қурилиши режа қилинган. Бу ерда ҳам энергия тежамкор материаллар ишлатиляпти, экоҳудудлар яратишга, электр, сув, газ ва йўл тармоқларини тортишдаги янги стандартларга жиддий эътибор берилган. Шу маънода, янги массивларни энергия тежамкорлик жиҳатдан ҳам намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ:

— Инсоннинг бахти, аввало, тинч ва осойишта, фаровон хонадондан бошланади. Шу боис, халқимиз уйни ватан ичидаги ватан дея қадрлайди. Юртнинг ободлиги эса дилни равшан қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви шундай эзгу мақсадлар маҳсулидир. Мазкур массивда истиқомат қилаётган Нигора Зойирова ҳаётидан рози эканини бот-бот такрорлайди. Замонавий, барча қулайликларга эга хонадонда фарзандлари билан бахтли умр кечирмоқда.

— Янги уйга кўчиб келганимиздан буён ҳаётимиз бутунлай ўзгарди, — дейди Нигора Зойирова. — Хонадонимиз кенг ва ёруғ. Электр, табиий газ, ичимлик сув каби барча қулайликлар муҳайё. Атроф обод, кўчалар кенг ва равон. Фарзандларимиз хавфсиз муҳитда ўйнаб, таълим-тарбия олмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдор бўлмаслик мумкин эмас!

Қонликўл туманига кириб келишингиз билан кўп қаватли уйлар кўзга ташланади. Илгари туманда бундай уйлар бўлмаган. Катта магистрал йўлнинг бўйида иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмага эга 11 та 5 қаватли уй қад ростлаган. Қулай шароитларга эга уйларда 330 хонадон бор. Бу битта тумандаги ана шунча оиланинг қувончи, бахтли ҳаёт тарзининг бир кўриниши.

— Қўнғирот туманидан ушбу кўп қаватли уйларнинг бирига оиламиз билан кўчиб ўтдик. Иш жойим Қонликўл туманида. Имтиёзли кредит ҳисобидан 3 хонали уйни 20 йилга сотиб олдик, — дейди “Янги Ўзбекистон” массивида истиқомат қилувчи Фурқат Раҳимбердиев. — Ёш оилалар учун жуда қулай. Иссиқ ва совуқ сув бор. Қўшнилар ҳам ёш оилалар. Бир-биримиз билан кирди-чиқди қиламиз. Муҳими, мактаб, боғча ёнимизда.

Қонликўл тумани Наврўз маҳалласидаги “Янги Ўзбекистон” массивида 12 миллиард 830 миллион сўм эвазига 3 қаватли, 330 ўринга эга янги мактаб қурилган. У энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яшил қопламали стадион, спорт зали, ошхона, чойхона синфлар ушбу массивда истиқомат қилувчи аҳоли болаларига хизмат қилмоқда. Мактаб 2024-2025 ўқув йилида фойдаланишга топширилган. Шунингдек, мактабнинг ёнгинасида 7,7 миллиард сўмга қурилган, 180 ўринга мўлжалланган боғча ҳам фаолият кўрсатмоқда. Янги массивларнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳудудда алоҳида таълим масканлари барпо этилаётганидир.

— Қонликўл туманидаги 25-умумтаълим мактабига Ҳиндистондан келиб дарс ўтяпмиз, — дейди хорижлик мутахассис Саини Аканша хоним. — Турмуш ўртоғим Амир Али билан “Янги Ўзбекистон” массивидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшаяпмиз. Хоналари тоза, барча қулайликлар мавжуд. Асосийси, мактабнинг ёнгинасида.

Массив ёнида йирик корхоналардан бири — “Kanteks invest” масъулияти чекланган жамияти жойлашган. Ип-калава ишлаб чиқарувчи ушбу корхона 2019 йил ишга туширилган бўлиб, йилига 9 минг тонна маҳсулот тайёрлайди. Корхонада 600 га яқин маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган. Германия, Туркия ва Ҳиндистондан олиб келинган асбоб-ускуналар ўрнатилган корхона тўлиқ қувватда ишламоқда. Жамоанинг аксариятини ёшлар ташкил этади.

Қонликўл тумани илгари ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир туманлардан бири эди. Ўзбекистондаги янгиланишлар сабаб у бугун бутунлай ўзгарди. Корхоналар иш бошлаб, туманнинг тадбиркорлар синфи шаклланиб боряпти. Бу иқтисодиёт билан бирга ижтимоий муҳит ҳам яхшиланишига хизмат қилмоқда. Бир пайтлар Қонликўлда туғилган ёшлар шаҳарларга кўчиб кетиш орзусида яшарди. Энди улар ўз уйи олдидаги мактабда хорижлик мутахассислардан дарс олмоқда. “Янги Ўзбекистон” массивлари каби йирик лойиҳалар эса ана шу янгиланишлар руҳига янада кўтаринкилик бағишламоқда.

Суҳбатни
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
уюштирди.

Бугун туризмга киритилаётган инвестиция фақат меҳмонхона ёки туристик объект барпо этиш билан чекланмайди. У транспорт, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа кўплаб тармоқларда иқтисодий фаолликни кучайтиради.



Сув ва ҳаёт

> Хонадон томининг сатҳи тахминан 200 квадрат метр. Унинг тўртта бурчагида ёмғир сувини чиқарувчи тарновлар мавжуд. Ҳозирча улардан фақат биттаси йиғиш тизимига уланди. Апрелда ёмғир ёққанида бир кунда фақат шу битта тарновдан тахминан 2 тонна, яъни 2000 литр сув йиғилди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

БЕПУЛ СУВ МАНБАИ

Бир хонадондан бошланадиган улкан ўзгариш

Сув ҳақида одатда у камайганда ўйлаймиз. Жўмракдан сув оқаётганида эса қадрини етарлича ҳис қилмаймиз. Аслида, ҳар куни беҳуда оқаётган бир неча литр сув бир ойда юзлаб, бир йилда эса минглаб литрга айланади. Бугун биз учун оддий туюлаётган обиҳаёт масаласи эртага бутун жамиятнинг энг катта муаммоларидан бирига айланиши мумкин. Шунинг учун сув тежашни тугаганидан кейин эмас, ҳозирдан бошлаш лозим.



Муҳсиддин НИЗОМИДДИНОВ,
Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати

Паркент туманидаги хонадонлардан бирида айнан шу ғоя асосида кичик, аммо амалий тажрибани бошладик. Мақсадимиз оддий — томдан тарнов орқали оқиб тушаётган ёмғир сувини шунчаки канализацияга ёки кўчага оқизиб юбормай, йиғиш, сақлаш ва ичимлик сув талаб қилмайдиган эҳтиёж учун қайта фойдаланиш эди. Тажриба оддий, аммо натижалари бу масалага бошқача қараш кераклигини кўрсатди. Хонадон томининг сатҳи тахминан 200 квадрат метр. Унинг тўртта бурчагида ёмғир сувини чиқарувчи тарновлар мавжуд. Ҳозирча улардан фақат биттаси йиғиш тизимига уланди. Апрелда ёмғир ёққанида бир кунда фақат шу битта тарновдан тахминан 2 тонна, яъни 2000 литр сув йиғилди.

Тасаввур қилинг: аввал кўчага оқиб кетадиган сувнинг ўзи биргина ёмғирда 2 тоннали захирага айланди. Бу натижа бизни яна бир савол хусусида ўйлашга мажбур қилди: агар битта бурчакдан 2 тонна сув йиғилаётган бўлса, томнинг тўрт бурчагини ягона тизимга бирлаштирсак, қанча сувни сақлаб қолишимиз мумкин? Шу туфайли лойиҳамизнинг кейинги босқичида томнинг тўрт бурчагидан тушадиган сувни битта — марказий йиғиш нуқтасига олиб келишни режалаштирдик.

Бу шунчаки сув йиғиш эмас, балки хонадоннинг ўзида кичик сув захирасини яратиш деганидир. Ичимлик сувни техник эҳтиёжларга сарфлаш зарур. Истеъмол қилиб бўлмайди. Чунки бундай сувни ичимлик мақсадида ишлатиш учун тегишли тозалаш, дезинфекция ва санитария талаблари бажарилиши керак. Аммо кундалик ҳаётимизда сув талаб қиладиган жуда кўп бошқа эҳтиёжлар бор. Масалан, кир, юз-қўл ва автомобиль ювиш, ҳовлига сув сепиш, экин ва томорқани суғориш, чорвани суғориш, қуёш панелларини тозалашда фойдаланиш мумкин. Демак, бир томондан ичимлик сувни асраяпмиз. Иккинчи томондан эса ёмғир сувини фойдали ресурсга айлантиряпмиз.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати, йиғилган сувни керакли жойларга етказиш учун насосдан фойдаланилмоқда. У эса қуёш панеллари ишлаб чиқарадиган электр энергияси ёрдамида ишлайди. Яъни бир тизимда икки табиий ресурсдан фойдаланилади. Натижада хонадоннинг сув ва энергия тежамкорлиги яхлит тизимга бирлаштирилади.

Бу қанчалик фойдали?

Кўпинча янги ғоялар ҳақида гапирганда “Бу қанчалик фойдали?” деган савол туғилади. Тажрибамизда бунга аниқ рақамлар билан жавоб бериш мумкин.

Тизим ўрнатилишидан аввал хонадонда ичимлик сувга ойига тахминан 150 минг сўм тўланарди. Тизим ўрнатилгандан сўнг бу маблағ 56 минг сўмгача камайди. Демак, бир ойда 94 минг сўм тежалмоқда. Бир йил ҳисобида эса тахминан 1 миллион 128 минг сўмни иқтисод имконияти пайдо бўлди.

Бундан ташқари, суғориш, автомобиль ювиш, ҳовлига сув сепиш, қуёш панелларини тозалаш каби эҳтиёжларда ишлатилаётган сувнинг қиймати бу ҳисобга тўлиқ киритилмаган. Шунинг учун лойиҳанинг реал иқтисодий самараси фақат сув тўловидаги камайишдан ҳам каттароқ.

Лойиҳага сарфланган маблағ

Тизимни йўлга қўйиш учун тахминан 3 миллион 700 минг сўм сарфланди. Икки дона 1 тоннали бочка — 1 миллион сўм, насос — 1 миллион 200 минг сўм, қувурлар ва томчилатиб суғориш учун зарур жиҳозлар — 1 миллион сўм, фильтр — 200 минг сўм, иш ҳақи — 300 минг сўм.



Бу маблағни фақат дастлабки харажат сифатида тушунмаслик керак. Чунки қурилма йиллар давомида ишлаши ва сув харажатларини камайтириши мумкин. Фақат ичимлик сувга тўловнинг камайиши ҳисобига дастлабки харажатнинг қопланиш муддати тахминан 3 йил атрофида бўлиши мумкин. Бошқа хўжалик эҳтиёжларидаги тежамкорлик ҳам ҳисобга олинса, лойиҳа янада манфаатли бўлади.

Энди масалага битта хонадон эмас, бутун Ўзбекистон нуқтаи назаридан қарайлик. Мамлакатимиз аҳолиси 39 миллиондан зиёд. Агар бир кишига кунига ўртача 99 литр ичимлик сув тўғри келса, мамлакат миқёсида ҳар куни 3,861 миллион куб метр сув сарфланади. Бир йилда эса тахминан 1,409 миллиард куб метр бўлади. Бу рақам Ўзбекистондаги барча сув истеъмолининг расмий умумий ҳажми эмас. Фақат аҳоли сони ва бир кишига 99 литр кунлик истеъмол кўрсаткичидан келиб чиқадиган ҳисоб-китоб, холос.

Аммо унинг ўзи ҳам муаммонинг кўламини кўрсатади. Агар шу сувнинг ҳатто кичик бир қисмини тежаш имконияти яратилса ҳам мамлакат миқёсида сезиларли натижага эришилади. Сув таъминотига тушадиган босим камаяди.

> Тизим ўрнатилишидан аввал хонадонда ичимлик сувга ойига тахминан 150 минг сўм тўланарди. Тизим ўрнатилгандан сўнг бу маблағ 56 минг сўмгача камайди. Демак, бир ойда 94 минг сўм тежалмоқда. Бир йил ҳисобида эса тахминан 1 миллион 128 минг сўмни иқтисод имконияти пайдо бўлди.

Яширин имконият

Ўзбекистон ҳудудида ёғингарчилик миқдори ҳудудларга қараб фарқ қилади. Лекин ҳар бир ҳудудда ёмғир ёғади. Бугун эса кўплаб хонадонларда томдан тушаётган ёмғир суви фойдаланилмай оқиб кетади. Бу ерда катта имконият яширинган. Том аслида фақат уйни ёмғирдан ҳимоя қиладиган конструкция эмас, балки сув йиғиш майдони ҳам бўлиши мумкин. Агар томдан тушадиган сув тарнов орқали резервуарга йўналтирилса, фильтрдан ўтказилса ва хавфсиз фойдаланиш тизими яратилса, хонадон ўзининг кичик сув захирасига эга бўлади. Буни қурилаётган янги уй-жой лойиҳаларида айнан шу имкониятни ҳисобга олиш керак.

Агар бундай тизим оддий хонадонда 200 квадрат метрли томда самара бераётган бўлса, катта томли мактаб, боғча ёки поликлиника унинг имконияти янада юқори бўлади. Мактаб томидан йиғилган ёмғир сувини ичимлик учун эмас, балки ҳовли, яшил ҳудудлар ва техник эҳтиёжлар учун ишлатиш мумкин. Боғчаларда ҳам шу тамойилни қўллаш мумкин. Поликлиника ва бошқа ижтимоий объектларда эса сув сарфининг муайян қисмини ёмғир сувига ўтказиш орқали техник мақсадда ишлатиладиган ичимлик сувга талабни камайтириш мумкин. Шу туфайли ушбу ташаббусни фақат хонадонлар учун эмас, ижтимоий объектлар учун ҳам алоҳида пилот лойиҳа сифатида синаб кўриш зарур.

Лойиҳанинг биз учун энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, иш фақат қурилмани ўрнатиш билан тўхтаб қолмаяпти. Амалий тажриба билан бир вақтда қонунчилик бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасидаги депутатлар билан бирга ёмғир сувини йиғиш, ундан самарали фойдаланиш ва сувни тежаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонунчиликка таклифлар тайёрлаш ишлари бажарилмоқда. Бу жуда муҳим босқич. Чунки битта хонадон ўз ташаббуси билан тизим ўрнатиши мумкин. Аммо бундай амалиётни минглаб ва миллионлаб хонадонларга етказиш учун ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий механизмлар зарур.

Шу боис, биз ўз тажрибамизни қонунчилик таклифлари билан боғлашга ҳаракат қиляпмиз. Лойиҳанинг ғоясини ривожлантириш, тизимли шаклга келтириш, таклифларни таҳлил қилиш ва келгусидаги йўналишларни белгилаш жуда муҳим.

Мақсад қонун ёзишнинг ўзи эмас

Бу ерда асосий мақсад янги талабларни шунчаки жорий қилиш эмас. Аввало, саволга жавоб топиш керак. Қандай қилиб аҳоли учун қулай, арзон ва самарали ёмғир сувини йиғиш тизимини яратамиз? Бунинг учун пилот лойиҳалар керак. Масалан, дастлаб айрим маҳаллаларда хонадонлар танланади. Уларнинг томи майдони, йил давомида йиғилган сув миқдори, сув сарфи, иқтисодий тежамкорлиги ва қурилманинг хизмат кўрсатиш харажати ўрганилади. Кейин натижалар таққосланади. Шундан сўнг энг самарали моделни бошқа ҳудудларга жорий этиш мумкин.

Лойиҳанинг яна бир йўналиши инновация. Ушбу лойиҳа бўйича патент олганмиз. Энди бу тажрибани янада такомиллаштириб, аҳолига қулайроқ, ихчамроқ ва самаралироқ янги фойдали қурилма яратиш ҳамда унга белгиланган тартибда патент олиш ҳаракатидамиз. Мақсад фақат патент ҳужжатига эга бўлиш эмас, балки одамлар реал ҳаётда фойдаланадиган қурилма яратиш. У оддий, нархи имкон қадар арзон бўлиши керак. Ўрнатиш осон, техник хизмат кўрсатиш эса қулай бўлиши лозим.

Бугун Паркентдаги бир хонадонда бу тизим ишламоқда. Бир ёмғирда 2 тонна сув. Бир ойда 94 минг сўм тежамкорлик. Бир йилда 1 миллион 128 минг сўм. Лекин бу рақамларнинг энг катта қиймати пулда эмас, балки шундай тажриба мавжудлигида. Биз “буни қилиш мумкинми?” деган саволга энди назарий эмас, амалий жавоб бера оламиз. Ҳа, мумкин. Ёмғир сувини йиғиш, сақлаш, техник эҳтиёжларга йўналтириш ва ҳатто насос орқали керакли жойга етказиш мумкин.

Энди навбатдаги савол: буни қандай қилиб минглаб хонадонларга етказамиз? Бугуннинг энг муҳим вазифаси ҳам шу. Чунки сув масаласи эртанги куннинг муаммоси эмас. У бугуннинг муаммоси. Бугун ёмғир ёғаётган пайтда биз сувни оқизиб юборсак, эртага қурғоқчилик келганда уни излашимиз тайин. Шу боис, эртага сувни қидирмаслик учун бугун ёмғирни йиғайлик.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРИ



Сайёҳлик

2026 йилнинг январь-август ойларида Ўзбекистонга 9,1 миллион хорижлик сайёҳ келган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,2 фоизга кўп.

Мазкур рақамлар мамлакатда туризм соҳаси жадал суръатда ривожланиб, иқтисодиётдаги аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Зеро, туризм салоҳиятининг ўсиши фақат сайёҳлар сони кўпайиши билан чекланмайди. У транспорт, жойлаштириш, умумий овқатланиш, савдо, маданий хизматлар ва бошқа кўплаб йўналишларда иқтисодий фаолликнинг ошишига, янги иш ўринлари ва инвестиция имкониятларининг пайдо бўлишига хизмат қилади.

Аслида, бугун туризмни фақат сайёҳларни қабул қилиш соҳаси сифатида баҳолаш етарли эмас. У мамлакат иқтисодиётида хорижий валюта тушумини кўпайтириш, хизматлар экспортини кенгайтириш ва ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ишга солишга хизмат қилаётган муҳим тармоқлардан бирига айланмоқда.

Бу жараённи хорижлик сайёҳлар оқими динамикаси ҳам яққол кўрсатади. Маълумотларга кўра, 2023 йили мамлакатимизга 6,6 миллион чет эллик сайёҳ келган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 10 миллиондан ошган. 2025 йил якунларига кўра эса Ўзбекистонга 11,7 миллион хорижлик сайёҳ келган.

Бир неча йил ичида сайёҳлик оқимининг бундай сезиларли ўсиши, аввало, халқаро транспорт алоқаларининг кенгайиши билан узвий боғлиқ. Жумладан, 2026 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистон аэропортларида 64 минг 831 та рейс амалга оширилган. Шундан 47 минг 371 таси халқаро рейслар бўлиб, улар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоиз ошган. Халқаро рейслардан 6,7 миллион йўловчи фойдаланган. Бу кўрсаткич ҳам йиллик ҳисобда 15,4 фоиз кўпайган.

Бу ерда ўзаро боғлиқ муҳим жараён кузатилади: туристлар оқими кўпайгани сари янги авиақатновларга эҳтиёж пайдо бўлади. Авиақатновлар географиясининг кенгайиши эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга янги мамлакатлардан туристлар келишини осонлаштиради. Шу тариқа авиация ва туризм бирбирини рағбатлантирувчи ягона иқтисодий тизим сифатида шаклланмоқда.

2026 йили қатор халқаро янги йўналишларнинг очилиши ҳам ана шу жараённинг давоми бўлди. Жумладан, “Etihad Airways” авиакомпаниясининг Абу-Даби — Тошкент йўналишида тўғридан тўғри авиақатнови йўлга қўйилди. Илк рейс 10 август куни амалга оширилди.

Туристик фаолликнинг ўсиши пойтахт билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ҳудудий аэропортлардаги кўрсаткичлар ҳам ижобий динамикани намоён этмоқда. Хусусан, Термизда йўловчи оқими 52, Урганчда 24, Нукусда эса 23 фоиз ошган.

Бу кўрсаткичлар ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳиятини ишга солиш учун имкониятлар тобора кенгайиб бораётганини кўрсатади. Термиздаги тарихий-археологик мерос, Хоразмдаги қадимий шаҳарлар, Қорақалпоғистоннинг ўзига хос табиий ва маданий объектлари хорижлик сайёҳлар учун янги туризм таклифларини шакллантиришга асос бўлади.

Сайёҳлик оқимининг ортиши жойлаштириш воситалари инфратузилмаси ривожида ҳам ўз аксини топмоқда. 2026 йил январь-июль ойларида мамлакатимизда 22 минг 296 ўринли 705 та янги жойлаштириш воситаси барпо этилди. Натижада уларнинг умумий сони 7440 тага, жойлар сони эса 202,6 мингтага етди.

Бундай ўсиш туризм соҳасида талаб ва таклиф бир вақтнинг ўзида кенгайиб бораётганини англатади. Бир томондан, хорижлик сайёҳлар сони ортиб, янги хизматларга талабни шакллантирмоқда. Иккинчи томондан, янги меҳмонхоналар, меҳмон уйлари ва бошқа жойлаштириш воситаларининг ташкил этилиши мамлакатнинг янада кўп сайёҳларни қабул қилиш имкониятини оширмоқда.

Соҳадаги энг муҳим иқтисодий натижа эса туризм хизматлари экспортининг ўсишида намоён бўлмоқда. 2026 йил январь-июль ойларида унинг ҳажми 3895,7 миллион АҚШ долларига етгани ва бир йилда 56 фоиз ошгани туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни сезиларли кучайиб бораётганини кўрсатади.

Чет эллик сайёҳ юртимизга келганида туризм объектларини томоша қилиш билан бирга меҳмонхонада яшайди, ресторан ва кафеларда овқатланади. Транспорт хизматларидан фойдаланади. Маданий тадбирларда иштирок этади. Маҳаллий маҳсулот ва сувенирлар харид қилади. Шу жиҳатдан туризм хизматлари экспортининг ўсиши кўплаб соҳаларда яратилган қўшилган қийматнинг ортишига олиб келади.

Шунинг учун бугун туризм соҳасидаги натижаларни бир-биридан алоҳида кўрсаткичлар сифатида эмас, балки ягона иқтисодий занжир сифатида баҳолаш муҳим. Кўпроқ авиақатновлар — кўпроқ туристлар, кўпроқ туристлар — янги инфратузилмага талаб, янги инфратузилма — инвестициялар учун имконият, инвестициялар эса ҳудудларда янги хизматлар ва иш ўринларини очиш учун замин ҳозирлайди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида туризм ва инвестиция соҳаларидаги кенг кўламли ислоҳотлар ҳам айнан шу жараёнларни тизимли қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳар бир ҳудудда алоҳида дастурларнинг қабул қилиниши, туризм ҳудудларининг ривожлантирилиши, инфратузилма янгиланиши ва инвестиция учун шароитларнинг кенгайтирилиши соҳанинг янги босқичга кўтарилишига хизмат қилмоқда.

Энди асосий вазифа эришилган миқдорий ўсишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдир. Бунинг учун янги туристик таклифларни ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш, ҳудудларда замонавий инфратузилмани янада кенгайтириш, халқаро авиақатновлар географиясини бойитиш ва инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш муҳим.

Зеро, бугун туризмга киритилаётган инвестиция фақат меҳмонхона ёки туристик объект барпо этиш билан чекланмайди. У транспорт, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо, умумий овқатланиш ва бошқа кўплаб тармоқларда иқтисодий фаолликни кучайтиради. Шу маънода, туризм Ўзбекистон иқтисодиётида тобора кўп тармоқларни бирлаштираётган, хизматлар экспортини ошираётган ва янги ўсиш нуқталарини шакллантираётган драйверга айланмоқда.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ АЛОҚАЛАРИ:

АГРАР СОҲАДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР



Агротармоқ

Бугунги кунда Ўзбекистон — Жанубий Корея шериклигининг устувор йўналишлари қаторида илм-фан, таълим, инновациялар ва юқори технологиялар билан бирга аграр соҳа ҳам алоҳида ўрин тутади. Хусусан, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, рақамли ва “ақлли” қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ресурс тежамкор ечимларни татбиқ этиш, илмий тадқиқотларни кенгайтириш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги қўшма ташаббуслар изчил кенгайиб бормоқда.



Тошкент давлат аграр университетининг Корея Республикаси етакчи университетлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва технологик компаниялари билан амалга ошираётган лойиҳалари ана шу стратегик шерикликнинг аграр таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги амалий натижаларини ифода этади.

Мазкур ҳамкорлик агриволтаик технологиялар ва “ақлли” деҳқончиликни ривожлантириш, аграр соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлаш, сертификатлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда сунъий интеллект асосида асаларичиликни ривожлантириш каби муҳим йўналишларни қамраб олади.

Айни пайтда ТДАУ ва Жанубий Корея ҳамкорлигида учта йирик лойиҳа бўйича тизимли ишланмоқда. Ушбу ташаббуслар университетнинг илмий тадқиқот салоҳиятини мустаҳкамлаш, илғор хорижий тажрибани Ўзбекистон шароитига мослаштириш, замонавий илмий ва ўқув инфратузилмасини яратиш ҳамда инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга хизмат қилмоқда.

Корея Республикасининг Расмий тараққиёт кўмаги (ODA) дастури доирасида “Ўзбекистонда углеродсиз пахтачилик учун агриволтаик “ақлли” фермер хўжалиги мажмуасини ривожлантириш” лойиҳаси тайёрланмоқда. Лойиҳа Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳамда Тошкент давлат аграр университети ҳамкорлигида ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳада Жанубий Корея томонидан Атроф-муҳит саноати ва технологиялари институти (KEITI), “ENVELOPS Co., Ltd.”, “Shinhan A-Tech”, “Reserve Carbon” ҳамда “New Climate Innovations Center” каби ташкилотлар иштирок этмоқда.



Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ, Тошкент давлат аграр университети ректори

Лойиҳанинг асосий мақсади пахта етиштириш, қайта тикланувчи энергия, сув тежовчи суғориш ва рақамли бошқарув технологияларини ягона “Smart Farm” тизимида бирлаштиришдан иборат. Агриволтаик технология бир ер майдонидан бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қуёш энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланиш имконини беради. Бугунги кунда лойиҳа вакиллари билан университетнинг илмий тадқиқот салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тажриба майдонларини ўрганиш, зарур илмий-техник маълумотларни шакллантириш ҳамда илғор технологияларни Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитига мослаштириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Тошкент давлат аграр университети лойиҳа доирасида тажриба майдони ва илмий тадқиқот ҳамкори сифатида белгиланган. Университет олимлари тупроқшунослик, ирригация, пахтачилик, агроэкология, қайта тикланувчи энергетика ва рақамли қишлоқ хўжалиги йўналишларида илмий-услубий кўмак кўрсатиши кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда лойиҳа “Pre-Feasibility Study” — дастлабки техник-иқтисодий асослаш босқичида. Ушбу жараёнда ТДАУ тажриба хўжалигидаги лойиҳа ҳудуди кўздан кечирилиб, ер майдони ҳолати, тупроқ таркиби, сув манбалари, иқлим кўрсаткичлари ва мавжуд инфратузилма бўйича дастлабки маълумотлар тўпланди. Лойиҳа концепциясига мувофиқ, ТДАУ ҳудудида тахминан 1 МВ қувватга эга агриволтаик пилот тизим, қарийб бир гектар майдонни қамраб олувчи “Smart Farm” мажмуаси ҳамда замонавий “ақлли” суғориш тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

“Smart Farm” мажмуасида тупроқ намлиги, ҳаво ҳарорати, намлик даражаси, қуёш радиацияси, сув сарфи ва экинларнинг ривожланиш ҳолатини рақамли мониторинг қилиш имконини берувчи замонавий воситалардан фойдаланиш режалаштирилмоқда. Йиғилган маълумотлар асосида суғориш ва агротехник тадбирларни аниқ бошқариш, ресурслар сарфини камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш имконияти яратилади.

ТДАУ ва Жанубий Кореянинг Chungnam миллий университети ҳамкорлигида “Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва профессионал кадрларни тайёрлаш бўйича лойиҳа” ҳам амалга оширилмоқда. Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда аграр таълим сифатини ошириш, профессионал мутахассислар тайёрлаш, замонавий ўқув дастурларини жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида самарали сертификатлаш тизимини шакллантиришдан иборат.

Лойиҳа доирасида боғдорчилик ва тупроқшунослик йўналишлари бўйича ўқув дастурлари ҳамда сертификатлаш механизмларини ишлаб чиқиш, аграр соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг билим ҳамда амалий кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг муҳим амалий натижаларидан бири сифатида ТДАУда замонавий технологиялар билан жиҳозланган “ақлли” иссиқхона барпо этилди. Шунингдек, университетда боғдорчилик йўналишидаги таълим ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришга хизмат қилувчи махсус боғдорчилик лабораторияси очилди. Мазкур объектлар талабалар, магистрантлар, докторантлар ва профессор-ўқитувчилар амалий машғулотлар ўтказиши ҳамда илмий тажрибалар қилиши учун замонавий ўқув-тадқиқот базасини яратди.

Ушбу лойиҳа доирасида яратилган замонавий инфратузилма ва ўқув механизмлари ТДАУда амалиётга йўналтирилган таълимни ривожлантириш, аграр мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Тошкент давлат аграр университети ва Жанубий Кореянинг Kyungpook миллий университети ҳамкорлигида “Ўзбекистонда Корея Республикаси билан ҳамкорликда “Smart-AI: “ақлли” асалари оиласи тизими технологиясини қўллаш ҳамда асаларичилик ресурсларини ривожлантириш” мавзусида халқаро илмий-техник лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий йўналиши замонавий рақамли воситалар ва сунъий интеллект технологиялари ёрдамида асалари оилалари ҳолатини кузатиш, асаларичилик хўжаликларини самарали бошқариш ҳамда соҳанинг илмий-технологик имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

“Smart-AI” тизимларидан фойдаланиш орқали асалари оилалари фаоллиги, яшаш муҳити ва ривожланиш кўрсаткичларини мунтазам кузатиб бориш, эҳтимолий муаммоларни эрта аниқлаш ҳамда асаларичилик ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади.

Лойиҳа Ўзбекистонда “ақлли” асаларичилик технологияларини синовдан ўтказиш ва маҳаллий шароитга мослаштириш, илмий тадқиқотлар қилиш, мутахассисларнинг амалий кўникмаларини ошириш ҳамда асаларичилик маҳсулотлари сифати ва самарадорлигини яхшилаш учун илмий-амалий асос яратишга хизмат қилмоқда.

ТДАУ ва Жанубий Корея олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик фақат қўшма лойиҳалар билан чекланиб қолмай, академик ва илмий алмашинув йўналишида ҳам изчил ривожланмоқда. Сўнгги йилларда ушбу мамлакатнинг юқорида номи қайд этилган икки университетидан боғдорчилик, “ақлли” иссиқхона технологиялари, тупроқшунослик ҳамда экология йўналишлари бўйича 10 дан ортиқ профессор ТДАУнинг таълим ва илмий тадқиқот жараёнларига жалб қилинди. Улар талабаларга маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиш, замонавий тадқиқот усулларини татбиқ этиш, қўшма илмий изланишларни ривожлантириш ҳамда ТДАУ профессор-ўқитувчилари билан илғор тажриба алмашишда фаол иштирок этди.

Мазкур ҳамкорлик доирасидаги маърузалар, илмий семинарлар ва қўшма тадқиқотлар университетда халқаро таълим муҳитини шакллантириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ҳамда ёш тадқиқотчиларнинг илмий салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

ТДАУ ва Жанубий Корея ташкилотлари ҳамкорлигидаги учта лойиҳа ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи стратегик йўналишларни қамраб олади. Агриволтаик “Smart Farm” лойиҳаси қайта тикланувчи энергия, сув тежовчи технологиялар ва кам унумдорли пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган. Chungnam миллий университети билан амалга оширилаётган лойиҳа аграр таълим, профессионал кадрлар тайёрлаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Kyungpook миллий университети билан ҳамкорликдаги “Smart-AI” лойиҳаси эса асаларичиликни сунъий интеллект ва рақамли мониторинг технологиялари асосида ривожлантиришни назарда тутади.

Ушбу лойиҳалар натижасида ТДАУда замонавий илмий ва ўқув инфратузилмасини ривожлантириш, халқаро тажрибага эга мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш ҳамда инновацион ишланмаларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига татбиқ этиш учун янги имкониятлар яратилмоқда.



Президентимиз мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлади деди. Мазкур даврни фақат халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва бирдамлиги орқали бунёд этиш мумкинлигини қайд этди. Шу мақсадда келгуси йилларда мамлакатимизда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастур амалга оширилади.

Фазлиддин МЎМИНОВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи



Нуқтаи назар

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ТАЯНЧИ

Биринчи миллий дастур билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришга қаратилган. Бу бежиз эмас. Боиси, замонавий дунёда тараққиётнинг бош манбаи инсон тафаккурида, энг қиммат капитал эса билим, кашфиёт ва янгилик яратиш қобилиятида кўрилмоқда.

Шу ўринда сўнгги ўн йил илм-фан ва инновациялар миллий тараққиёт марказига кўтарилган давр бўлганини қайд этиш керак. Энг муҳими, бу паллада янги илмий муҳит, ёшларнинг иқтидорига эътибор ва мамлакатнинг келажак модели шакллана бошлади.

Илм-фан пойдевори — сифатли таълим ва кенг қамровли истеъдодлар захираси. Сўнгги йилларда мамлакатимиздаги олий таълим ташкилотлари сони сезиларли даражада ошди. Ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 44 фоизга етди. Бу ўзгаришларга оддий статистика сифатида қараш хато бўлади. Илгари пойтахтга ёки йирик шаҳарга бориш имкони бўлмаган кўплаб ёшлар учун ўз ҳудудида олий маълумот олиш, илмий тўгаракка қатнаш, лабораторияда ишлаш ва стартап бошлаш имкони вужудга келди. Нодавлат ва хорижий олийгоҳлар кириб келиши танловни кенгайтириб, рақобат муҳитини кучайтирди.

Илмий салоҳият ҳам миқдор ва таркиб жиҳатидан ўсди. Республика бўйича илмий даражали педагоглар улуши 32,7 фоиздан 52 фоизга етди. 2026 йилда докторантурага ажратилган квоталар 5300 тани ташкил этди. Бу минглаб ёш тадқиқотчилар учун илмни касбий фаолият сифатида танлаш имкони кенгайганини англатади.

Янги босқичнинг энг муҳим белгиси илмий натижани амалий қийматга айлантиришга талаб кучайганидир. 2025 йилнинг ўзида умумий қиймати 592,9 миллиард сўм бўлган 824 та лойиҳа молиялаштирилди (шундан 335 таси янги илмий лойиҳа). Демак, бир йилда 757 та янги ва давомли лойиҳа учун қарийб 795 миллиард сўмлик молиявий ресурс сафарбар этилди. Бу маблағ фундаментал билимдан тортиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, энергетика ва рақамли технологиялар учун амалий ечимларгача бўлган кенг йўналишларни қамраб олди.

Натижаларнинг иқтисодий самараси ҳам кўрина бошлади. 2025 йилда 51,83 миллиард сўмлик инновацион маҳсулот ва хизматлар тижорийлаштирилиб, давлат бюджетига 6,2 миллиард сўм солиқ тушди. Ички ва ташқи бозорларда тижорийлаштирилган янги ишланмалар сони 321 тага, илм-фан ва инновацион фаолият асосида яратилган янги ишланма ва технологиялар сони 252 тага етди.

Замонавий ускунасиз етук тадқиқот ўтказиб бўлмайди. Шу боис, илмий ташкилотларни лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш учун 3,48 миллион долларлик 133 та асбоб-ускунани етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Бу жараённинг кейинги муҳим босқичи мамлакатдаги лабораториялардан бир муассасанинг ёпиқ мулки сифатида эмас, тадқиқотчилар, университетлар ва корхоналар ишлата оладиган умуммиллий илмий инфратузилма сифатида самарали фойдаланишдир.

Илм-фаннинг ҳақиқий самараси ҳудудлар ҳаётига кириб борганда сезилади. Сўнгги йилларда технологик парклар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар, акселераторлар ва инновация марказларини қамраб олган ҳудудий инновацион инфратузилмалар сони 67 тага етди. Ҳудудларни инновацион ривожлантириш учун 2021 йилдан 28 та инновацион туман белгиланиб, 214 та илмий, 102 та стартап ва 130 та тижорийлаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу объектлар ёшларни ўқитиш, ғояларни саралаш, прототип тайёрлаш, инвестор билан учраштириш ва кичик ишлаб чиқаришни бошлаш учун маҳаллий таянч нуқталарига айланмоқда.

Орол денгизининг қуриган тубида илмий-тадқиқот станцияси ташкил этилгани эса илмнинг энг мураккаб экологик муаммоларга юзланаётганини кўрсатади. Мўйноқ марказидан 65 километр узоқда жойлашган ушбу ҳудудда Оролбўйи муаммоларининг илмий ечимига қаратилган 21 та амалий ва инновацион лойиҳа бошланди.

Шўрланиш, чанг-туз бўрони, ўсимлик қоплами, сув ва аҳоли саломатлиги билан боғлиқ масалаларни кабинетда туриб эмас, бевосита табиий лабораториянинг ўзида ўрганиш имкони пайдо бўлди.

Миллий инновацион тизимдаги ўзгаришлар халқаро эътирофларда ҳам акс этмоқда. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 2025 йилги Глобал инновацион индексида Ўзбекистон 139 мамлакат орасида 79-ўринни эгаллаб, ўз тарихида илк бор етакчи 80 таликка кирди. Ташкилот мамлакатимизни меҳнат унумдорлиги ўсиши бўйича 6-ўрин, бизнес муҳитининг қулайлиги бўйича 9-ўрин, фан ва муҳандислик йўналишлари битирувчилари улуши бўйича 13-ўрин ҳамда таълим харажати бўйича 24-ўринда қайд этди.

Бу эса мамлакатимизда инсон капитали ва тадбиркорлик муҳити кучаяётганини кўрсатмоқда. Энди бу устунликларни юқори технологияли экспорт, илмий патентлар, хусусий секторнинг тадқиқотга сармояси ва университет-саноат ҳамкорлигидаги барқарор натижаларга айлантириш талаб этилади.

Илмий мақола патентга, патент ишланмага, ишланма эса рақобатбардош маҳсулотга айланиши учун университет, илмий ташкилот, корхона ва инвестор ўртасида узлуксиз занжир ишлаши шарт. 2026 йилда қабул қилинган янги чора-тадбирлар айнан шу сифат босқичини назарда тутади.

Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини “5 Т — таълим, тарбия, тадқиқот, тижорийлаштириш ва тизимли такомиллаштириш” тамойили асосида ривожлантириш белгиланди.

“U 10 — Ўзбекистоннинг глобал илғор университетлари” дастури доирасида танлов асосида 10 та олий таълим ташкилотига миллий тадқиқот университети мақоми берилиши, улар атрофида маҳаллий ва хорижий университетлар, илмий ташкилотлар ҳамда саноат корхоналарини бирлаштирадиган илмий кластерлар ташкил этилиши назарда тутилган.

Бу ёндашув университетни фақат диплом берадиган муассасадан янги билим, технология ва юқори қўшилган қиймат яратадиган марказга айлантиришга хизмат қилади.

Мустақиллик — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи. Маърифий ва технологик мустақиллик эса мамлакат муаммоларига ўз олимлари, муҳандислари ва тадбиркорлари билан ечим топиш имкониятидир.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистон ана шу имкониятнинг ҳуқуқий асоси, инфратузилмаси ва инсон капиталини барпо этди. Олдинда эса янада масъулиятли вазифа турибди: яратилган имкониятларни жаҳон даражасидаги илмий натижага, миллий иқтисодиёт учун рақобат устунлигига ва ҳар бир инсон ҳаётида сезиладиган фаровонликка айлантириш.

Аждодларимиз маърифатни озодликка элтувчи йўл деб билган. Бугун биз бу йўлнинг замонавий давомини лабораторияда, университет аудиториясида, муҳандислик мактабида ва Ёшлар технопаркларида кўрмоқдамиз.

Зеро, келажак кутилмайди. У билим, жасорат ва яратувчанлик билан ҳар куни бунёд этилади. Янги Ўзбекистоннинг энг катта инновацияси ҳам, аслида, ўз кучига ишонган ва келажакни ўзи барпо этаётган янги авлоддир.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Халқаро турнир



ТЕРАН ТАФАККУРНИНГ 64 НУҚТАСИ

Ўзбек шахматчилари Самарқанддаги олимпиадани АСОСИЙ ФАВОРИТЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА БОШЛАМОҚДА

Ченнайдаги халқаро шахмат олимпиадасида 14-рақам остида ҳаракат қилган Ўзбекистон терма жамоасининг бош совринни қўлга киритиши жаҳон шахматида кучлар нисбати ва динамикаси ўзгарганини кўрсатиб берган эди. Бу сафарги мусобақа эса мамлакатимиз мезбонлигида ўтказилаётгани сабабли миллий терма жамоамизга юкланган масъулият кўлами ҳам, унга талаб ҳам ўзгарган.



Тактик устунликка эга биринчи жамоамиз мусобақани 3-рақам остида бошлади. Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таҳлилчиларининг Ўзбекистонни асосий фаворитлар сирасига киритиши жамоанинг сўнгги йиллардаги барқарор натижалари ҳамда тайёргарлик даражаси билан боғлиқ. Самарқандда старт олган ушбу мусобақа жамоамиз учун Ченнайдаги ғалабанинг тасодифий эмаслигини амалда тасдиқлаш ва профессионал маҳоратни амалий синовдан ўтказиш босқичидир.

15 сентябрь куни Самарқандда 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси бошланди. Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасида олимпиаданинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси бош вазири Абдулла Арипов иштирок этиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси иштирокчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

27 сентябрга қадар давом этадиган мазкур мусобақа тарихда илк бор Марказий Осиёда ўтказилмоқда. Мезбон сифатида Ўзбекистон бирваракайига учта эркаклар терма жамоасини — жами 15 шахматчини баҳсларга туширди. Асосий жамоа 3-рақам остида сараланди ва яна медалларга даъвогарлар қаторидан жой олди. Унинг таркибида 2022 йилда Ченнай олимпиадасида олтин медални қўлга киритган тўрт шахматчи бор: Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Воҳидов. Иккинчи ва учинчи жамоалар сафида эса ҳам тажрибали гроссмейстерлар, ҳам янги авлод вакиллари дона суради.

Хўш, нега Ўзбекистонда учта жамоа бор? Одатда ҳар бир миллий федерация олимпиадада битта жамоа билан қатнашади. Бироқ мезбонлар учун бу қоидадан истисно кўзда тутилган. ФИДЕ қоидаларига кўра, мусобақани ташкил этувчи федерация иккинчи — Б жамоасини қўйиш ҳуқуқига эга. Агар иштирокчи жамоаларнинг умумий сони тоқ бўлиб қолса, мезбонлар учинчи — С жамоасини ҳам қўшиши мумкин. Агар учинчи таркиб биринчи турдаёқ ўйнаган бўлса, кейинчалик қайсидир жамоалар мусобақадан чиқиб кетиши ёки қўшилишидан қатъи назар, у турнир охиригача қолади.

Самарқанд олимпиадасида Ўзбекистон барча уч таркиб билан намоён бўлди. Биринчи терма жамоа саралашда 3-рақамни олди (жамоанинг ўртача рейтинги бўйича), Uzbekistan 2 — 31-ўринда, Uzbekistan 3 эса 55-ўринда қайд этилган.

Биринчи терма жамоанинг ўртача рейтинги — 2720. Сардор — ўзбек шахмати афсонаси Рустам Қосимжонов.

— Кучли жамоалар жуда кўп: Польша, Германия, Сербия, Буюк Британия, Франция, — дейди Рустам Қосимжонов тайёргарлик жараёни, доскалар тақсимоти, рақиблар ва терма жамоанинг олтин медаль олиш имкониятлари ҳақида тўхталиб. — Осиё жамоалари ичида одатдагидек Эрон жамоаси кучли. Туркиянинг таркиби ҳам жуда ёш ва имкониятлари юқори. Анъанага кўра, Озарбайжон — кучли жамоа. Олимпиадаларда одатда Арманистон ҳам жиддий рақиб ҳисобланади. Буларнинг барчаси кучли учлик-тўртликка кирмайдиган жамоалар. Аммо уларнинг бари ниҳоятда кучли. Бундан ташқари, асосий “оғир вазнлилар” бор. Бу тўртлик — Хитой, АҚШ, Ҳиндистон ва Ўзбекистон. Аслида, турли одамлар уларни турлича тартибда баҳолашади. Олимпиада ҳеч ким учун осон бўлмайди.

2022 йилги олимпиадада Ўзбекистонга тарихий олтинни келтирган бешликдан Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев ва Шамсиддин Воҳидов яна асосий таркибда баҳслашмоқда. Ўша жамоанинг бешинчи аъзоси Жаҳонгир Воҳидов эндиликда Uzbekistan 2 таркибига киритилган, унинг асосий бешликдаги ўрнини эса 19 ёшли Муҳиддин Мадаминов эгаллади. 2022 йилда Ўзбекистон барча 11 турни жамоавий мағлубиятсиз якунлаган эди. Икки йил ўтиб, деярли шу таркибдаги терма жамоа Будапешт олимпиадасининг бронза медалига сазовор бўлди. Ўшанда Шамсиддин Воҳидов тўртинчи доскада қўшимча равишда яккалик олтин медалини, Нодирбек Абдусатторов эса биринчи доскада кумуш медални қўлга киритганди.

Жамоанинг ушбу муваффақиятлари замирида ҳар бир доска соҳибининг ўзига хос ўйини, мукаммаллашиб бораётган тактикаси ва охирги йилларда эришган индивидуал натижалари ётади. Бу натижалар ва ўсиш суръатини ҳар бир шахматчи мисолида алоҳида кўриб чиқиш мумкин.

Нодирбек АБДУСАТТОРОВ



2021 йилнинг декабрида 17 ёшли Абдусатторов рапид бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Турнир давомида у, жумладан, Магнус Карлсенни мағлуб этди, биринчилик учун курашда эса Карлсен, Фабиано Каруана ва Ян Непомнящийни ортда қолдирди. Чемпион номи тай-брейкда аниқланди ва унда ҳамюртимиз Непомнящийдан устун келди.

Кейинги ёзда Абдусатторов Ченнайдаги олимпиадада ғалаба қозонган терма жамоанинг биринчи доскасида ўйнади. У 11 та партиядан 8,5 очко жамғариб, 2803 кўрсаткичдаги перформанс қайд этди ва биринчи досканинг шахсий ҳисобида кумуш медалга эга чиқди.

2024 йилда Будапештда ўтган олимпиадада ҳам у терма жамоа етакчиси сифатида мусобақани бронза билан якунлашга ёрдам берди ва яна шахсий кумуш медални олди. 2026 йил февралида Абдусатторов дунёнинг энг нуфузли турнирларидан бири — Вейк-ан-Зеедаги Tata Steel Masters мусобақасида бош совринни қўлга киритди. Кейинроқ у London Chess Classic супертурнири ва Prague International Chess Festival да ғолиб чиқди.

Нодирбек ЁҚУББОЕВ



Ёши 24 да бўлишига қарамай, Ёқуббоев ҳозирги жамоанинг энг тажрибали вакилларидан бири. У 2016, 2018 ва 2020 йилларда Ўзбекистон чемпиони бўлган, 2025 йилнинг апрелида эса тўртинчи бор мамлакат биринчилигида ғолиб чиқди. Сўнгги чемпионат финалида у Ортиқ Нигматовни таслим этганди.

2022 йилги олимпиадада Ёқуббоев иккинчи доскада дона суриб, 11 имкониятдан 8 очко тўплади (перформанс рейтинги 2759). Жамоавий олтин билан бирга у ўз доскасида шахсий бронза медални ҳам қўлга киритди.

Шахсий турнирлардаги энг йирик натижаларидан бири 2025 йилги жаҳон кубогида қайд этилди. Ёқуббоев ярим финалгача етиб бориб, Синдоров билан тўқнашди. Классик партиялар дуранг билан якунланди, тай-брейкда эса Синдоров устун келди. Учинчи ўрин учун баҳсда Ёқуббоев Андрей Есипенкога имкониятни бой бериб, якунда 206 иштирокчи орасида 4-ўринни эгаллади.

Яқинда Тошкентда Ёқуббоев Эрон терма жамоаси етакчиси, дунёнинг ТОП 15 талигига кирувчи Амин Табатабаий билан баҳсда ғалаба қозонди. Онлайн рейтингда эса у супер гроссмейстерлик мезони бўлмиш 2700 га яқинлашиб қолди.

Жавоҳир СИНДОРОВ



Олимпия олтинидан кейинги тўрт йил давомида Синдоров ёш терма жамоанинг навқирон истеъдодидан жаҳон чемпионлигига расмий даъвогар даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди. Тайёргарлиги, халқаро турнирлардаги иштироки ҳамда мураббийлар билан ишлаши унинг тактик ҳушёрлигини совуққон стратегик аниқлик билан тўлдиришга хизмат қилди. Ҳар бир партияда чуқур назарий тайёргарликни психологик матонат билан бирлаштирган шахматчи энг ҳаяжонли лаҳзаларда ҳам ўйин тизгинини ўз қўлида ушлаб туришни ўрганди. Натижада шахсий характердаги бундай сифат ўзгариши уни оддий иқтидорли гроссмейстердан замонавий шахмат элитаси сафида ҳар қандай чўққини забт этишга қодир етакчига айлантирди.

У гроссмейстерлик унвонини 2018 йилдаёқ — 12 ёшида қўлга киритиб, тарихдаги энг ёш гроссмейстерлардан бирига айланганди. Шунингдек, Синдоров 2019 ва 2021 йилларда икки карра Ўзбекистон чемпиони бўлган. Асосий юксалиш 2025 йилда юз берди. Синдоров Гоада ўтказилган ФИДЕ жаҳон кубоги финалида хитойлик Вей Ини мағлуб этиб, бош совринни қўлга киритди ва турнир тарихидаги энг ёш ғолиб бўлди. Ярим финалда эса у терма жамоадаги шериги Нодирбек Ёқуббоевдан устун келганди.

Жаҳон кубогидаги ғалаба уни 2026 йилги номзодлар турнирига олиб чиқди. У ерда Синдоров мусобақа тугашига бир тур қолгандаёқ 1-ўринни нақд қилди ва амалдаги жаҳон чемпиони Доммаражу Гукешга қарши жаҳон шахмат тожи учун ўйин ўтказиш ҳуқуқига эга бўлди. Сентябрь ойига келиб, Синдоров ўз рейтингини 2778 га етказди ва дунёнинг энг кучли шахматчилари орасида 4-ўринни эгаллаб турибди.

> **Айни кунларда Самарқанд ўзида бутунжаҳон шахмати энергиясини жамлаб, глобал ақл-идрок марказига айланмоқда. Аллақачон бу ерда ногиронлиги бўлган инсонлар ўртасидаги учинчи ФИДЕ олимпиадаси рекорд даражадаги 41 та жамоа иштирокида ўтказилмоқда.**

Шамсиддин ВОҲИДОВ



Воҳидов катта саҳнада илк бор ўсмирлар шахматида порлаган: 2015 йилда у 14 ёшгача бўлганлар ўртасида жаҳон чемпионлигига эришди. Орадан уч йил ўтиб, ўзбекистонлик 16 ёшли шахматчи рапид бўйича жаҳон чемпионатида Магнус Карлсенни доғда қолдирди.

2023 йилда у шахсий фаолиятидаги энг катта муваффақиятлардан бирига эришди: классик шахмат бўйича Осиё чемпиони бўлди. Олмаотадаги мусобақада Воҳидов 9 имкониятдан 7 очко жамғариб, энг яқин таъқибчиларини ярим очко ортда қолдирган ҳолда яккапешқадам бўлди. 2024 йилги олимпиада эса унинг фаолиятидаги энг ёрқин мусобақалардан бирига айланди. Воҳидов Ўзбекистонга жамоавий бронзани тақдим этиш билан бирга тўртинчи доскада шахсий олтин медални ҳам қўлга киритди.

Муҳиддин МАДАМИНОВ



Мадаминов — терма жамоа сафида катталар олимпиадасида қатнашмаган ягона шахматчи. У 2024 йилда гроссмейстерлик унвонини олган бўлса, кейинги икки мавсум ичида 2600 лик довонга яқинлашиб келди. 2023 йилдаёқ 2431 рейтингга эга халқаро мастер бўлган Мадаминов Осиё чемпионатида 9 партиядан 6 очко жамғариб, 8-ўринни эгаллаган эди.

Энг улкан муваффақиятига у 2026 йил ёзида эришди. Мадаминов UzChess Cup Masters мусобақасининг энг кучли гуруҳида зафар қучди. Тўққиз турдан сўнг у Воҳидов билан 1-ўринни бўлишиб олди, сўнгра тай-брейкдаги ҳар иккала партияда ҳам ғалаба қозонди. Турнирда Нодирбек Абдусатторов, Аржун Эригайси, Ян Непомнящий, Шаҳриёр Мамедяров ва бошқа машҳур гроссмейстерлар ҳам баҳс олиб борган эди. ФИДЕ бу ғалабани Мадаминов фаолиятидаги энг катта ютуқ деб атади.

Шунингдек, у жаҳон кубоги ва номзодлар турнирида Жавоҳир Синдоровнинг секунданти (гроссмейстернинг партияларга тайёрланувчи ёрдамчиси ва таҳлилчиси) сифатида ҳам ишлаган. Шу тариқа катталар олимпиадаси тажрибаси нуқтаи назаридан энг ёш ва энг кам тажрибага эга бўлган жамоа аъзоси Самарқанддаги баҳсларга ўз фаолиятидаги энг юқори спорт натижаси билан кириб келмоқда.

Иккинчи терма жамоа 2532 ўртача рейтингга эга ва саралашда 31-ўринни эгаллаган. Жамоа сардори — Ўзбекистон штабидаги энг тажрибали мутахассислардан бири бўлган украиналик гроссмейстер Павел Элянов. Украина терма жамоаси таркибида у икки марта — 2004 ва 2010 йилларда шахмат олимпиадасида ғолиб бўлган.

Учинчи терма жамоанинг ўртача рейтинги — 2424, саралаш рақами — 55. Қозоғистонлик гроссмейстер Муртас Кажгалеев жамоа сардори сифатида қайд этилган. Ушбу терма жамоанинг ҳар бирида халқаро ёки ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларда қўлга киритилган ютуқлар мавжуд.

Аёллар секциясида асосий фаворитлар доираси бир оз бошқачароқ. Биринчи рақам остида амалдаги чемпион Ҳиндистон қайд этилган бўлса, ундан кейин Грузия, Хитой, Қозоғистон ва АҚШ бормоқда. Шунингдек, Украина ва Озарбайжон терма жамоаларига қарши баҳслар ҳам осон кечмайди.

Айниқса, Қозоғистон алоҳида эътиборга лойиқ. Ўтган олимпиадада жамоа кумуш медалга эга чиқиб, аёллар турнири тарихидаги илк медалини қўлга киритган эди. Ўшандан буён жамоанинг ёш етакчилари янада кучайди, шу боис, улардан камида аввалги юқори натижани такрорлашни кутиш мумкин. Биринчи доскада Бибисара Асаубаева, кейинги доскаларда эса Алуа Нурман, Меруерт Камалиденова, Элназ Калиахмет ва Зарина Нургалиева баҳс олиб боради.

Бироқ 13-старт рақамига эга Ўзбекистон биринчи аёллар терма жамоасининг ҳам муҳим ўринлар учун курашиш имконияти анча юқори. Жамоа сафидан Афрўза Ҳамдамова, Гулруҳбегим Тоҳиржонова, Умида Омонова, Нилуфархон Имомқўзиева ва Гулдона Каримова жой олган.

Биринчи аёллар терма жамоасига мамлакатнинг энг таниқли шахматчиларидан бири, кўп йиллар давомида Ўзбекистон шарафини халқаро мусобақаларда ҳимоя қилган Нафиса Мўминова сардор ҳисобланади.

— Илгари бундай шароитлар бўлмаган, айни пайтда қизларда тўлақонли тайёргарлик кўриш учун барча имконият-лар ва қўллаб-қувватлов мавжуд, — дейди Нафиса Мўминова. — Қизлар стипендия олмоқда, турнирлардаги иштироки, мураббийлар ва жисмоний тайёргарлик бўйича мутахассис хизматлари тўлаб бериляпти. Уларга фақат шахматга диққатни қаратиш қолди, холос. Бундан ташқари, ташкилий ташвишларнинг барчаси уларнинг елкасидан олинди: турнирларга рўйхатдан ўтиш, чипталар харид қилиш, йўналишларни режалаштириш, ташкилотчилар билан музокаралар ўтказиш ва меҳмонхона топиш каби ишлар билан махсус ҳамроҳлик гуруҳи шуғулланмоқда. Жамоа учун ўйнаганда масъулият анча юқори бўлади. Олимпиадаларда мен биринчи доскаларда ўйнаганман ва етакчи сифатида буни доим жуда теран ҳис қилганман. Асосийси, ўз тахтангни мустаҳкам ушлаб туриш.

Шахмат олимпиадаси — мазкур спорт туридаги энг муҳим жамоавий мусобақа. У ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Ҳар бир жамоа тўрт асосий ва бир захира ўйинчисидан иборат бўлади.

Вақт назорати дастлабки 40 та юриш учун 90 дақиқани ташкил этади, шундан сўнг ўйинчига яна 30 дақиқа қўшиб берилади. Биринчи юришдан бошлаб ҳар бир амалга оширилган юриш учун 30 сониядан қўшиб борилади. Матчдаги ғалаба учун жамоага икки очко, дуранг учун бир очко берилади. 11 тур давомида энг кўп матч очкоси жамғарган жамоа ғолиб деб топилади. Очколар тенг келиб қолган тақдирда қўшимча кўрсаткичлар тизими ишга тушади — Бергер коэффициенти (рақиблар тўплаган очколар миқдори) ҳамда жамоанинг ҳар бир аъзоси тўплаган индивидуал очколар йиғиндиси ҳисобга олинади.

Бундан олдин Самарқанд рапид ва блиц бўйича жаҳон чемпионати ҳамда Grand Swiss турнирига мезбонлик қилган, бироқ олимпиада кўлами жиҳатидан ушбу йирик мусобақалардан ҳам анча устун туради.

Дастлабки олти тур 16 сентябрдан 21 сентябрга қадар ҳар куни соат 15:00 да бошланади. 23 сентябрдан 26 сентябргача 7-турдан 10-тургача бўлган баҳслар ўтказилади. Сўнгги, ҳал қилувчи 11-тур эса 27 сентябрь куни бўлиб ўтади ва одатдагидан эртароқ — соат 11:00 да бошланади.

Айни кунларда Самарқанд ўзида бутунжаҳон шахмати энергиясини жамлаб, глобал ақл-идрок марказига айланмоқда. Аллақачон бу ерда ногиронлиги бўлган инсонлар ўртасидаги учинчи ФИДЕ олимпиадаси рекорд даражадаги 41 та жамоа иштирокида ўтказилмоқда. Асосий олимпиада кунларида ФИДЕ конгресси ва сайлови, 24 сентябрда эса шахмат таълимига бағишланган саммит ҳам ташкил этилади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти жамоаси бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Носиржон Жўраевга фарзанди

Шоҳидбек ЖАМОЛИДДИНОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:55 Топширилди — 00:05